



Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O'zingni angla!

Газетамизга 2008 йил учун обунда дам этмоқда.

Муштарийларимиз сафида бўлинг!

№ 52 (562)

2007-йил


26-декабр

Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-йил dekabr dan chiqqan boshlagan ⇨ Chorshanba kunlari chiqadi ⇨ E-mail: hurriyat@mail.ru ⇨ http://www.hurriyat.uz

Халқаро фазо станциясига янги йил совғалари

Қозоғистоннинг Бойқўнғир космодромидан «Союз» ракета ташувчиси халқаро фазо станциясига учирилди. Мазкур ракета халқаро станцияга сув, озиқ-овқат, ёқилғи ва янги йил совғалари етказди.



⇨ 5-бет

Толстойнинг тошкентлик кўёви

Бу икки ёшнинг ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, тақдирнинг мўъжизакорлигига иймон келтирасиз. Йўқса, олис Европада таваллуд топган кибор бир хоним билан Тошкент кўчаларида от етаклаб юрган йигитнинг турмуш қуришига ким ишонарди дейсиз?



⇨ 7-бет

Абдулла Тангриев: «Асосий довлонлар ҳали олдинда!»

Эндиликда эса ўзбек курашининг нафақат жисмоний, балки инсонни маънан ҳамда руҳан чиниктирадиган, ортиқча зўриқишлару тасодифий зарбалар касрига лат ёйишлардан холи, хавфу хатарсиз эканлиги кўпчиликлари маъқул келяпти.



⇨ 8-бет

Сарҳисоб

Янги 2008 йилнинг кириб келишига ҳам санокли кунлар қолди. Одатда йил охирида ўтган 12 ой давомида қилинган меҳнатга яқун ясалди, амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади, йил бошида белгиланган вазифаларнинг қай бири қай даражада бажарилгани, қайси бири бажарилмай қолгани ва унинг объектив ҳамда субъектив сабаблари атрофлича таҳлил қилинади. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2007 йилдаги фаолиятига шу нуқтаи назардан ёндошсак, у йил бошида ўз олдида қўйган вазифаларини удралди, дейишимиз мумкин.



Шерзод ФУЛОМОВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси



Кумуш қиш зийнати

ЭКОСАН: йил якунлари ва янги режалар

ЭКОСАН халқаро ташкилоти ўзининг 15 йиллик фаолияти давомида Марказий Осиёдаги нуфузли экологик ташкилотларнинг бирига айланган улгурди.

Атроф-муҳит муҳофазаси, барқарор ривожланиш гоёларини тарғиб қилишда, кенг жамоатчиликнинг эътиборини экология муаммоларига, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига жалб этишда ижодий натижаларга эришилди.

Кеча пойтахтимиздаги Навоий кон-металлургия комбинати бизнес марказининг «Kizilkum Gold» конференц-залда «2007 йилнинг экологик якунлари ва ЭКОСАНнинг 2008 йил — Ёшлар йилидаги вазифалари»га бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир халқаро ташкилот раиси Юсуфжон Шодиметов маърузаси билан бошланди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» республика дастурини амалга ошириш мақсадида Оролбўйи минтақаси ва бошқа экологик ноқулай вазият ҳужм сурган ҳудудларга, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё вилоятига уч мартадан, Хоразм ва бошқа вилоятларга икки мартадан, жами йигирма бит-

та ЭКОСАН саломатлик поездлари юборилиб, 1 миллион 2 миллион сўмлик инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди. Мазкур ёрдам 12 мингдан зиёд қарияларга, 450 та ижтимоий соҳа объектлари, 8 мингта кам таъминланган оилаларга топширилди. Шунингдек, тадбир доирасида «Экосан барқарор ривожланиш йўлида 15 йил» китоби тақдими ҳам ўтказилди.

Йиғилиш сўнггида ЭКОСАНнинг 2008 йил — Ёшлар йилидаги вазифа ва режалари ҳам муҳофиза этилди. Унга қўра, «Ёшлар ва атроф-муҳит» экофестиваллар марофони, «Ёш фермерлар», «Энг ибратли йигит» каби республика кўрик-танловларини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Хабарлар

«Ижтимоий ҳимоя йили» республика дастурини амалга ошириш мақсадида Оролбўйи минтақаси ва бошқа экологик ноқулай вазият ҳужм сурган ҳудудларга, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё вилоятига уч мартадан, Хоразм ва бошқа вилоятларга икки мартадан, жами йигирма бит-

Фаррух ЖАББОРОВ

Янги китоб маркази

Фаргона вилояти Кува туманида «Шарк» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси қошидаги «Шарк зиёкори» очик акционерлик жамиятининг янги китоб маркази иш бошлади.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса ёшларнинг онги ва тафаккури, маънавиятини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги йилларда жойларда китобхоналар учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани, китоб савдосини ривожлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилаётгани ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Китоб марказининг очилишида таниқли шоир ва ёзувчилар, ўқувчи ва талабалар, ёш китобхона иштирок этиди. Сўзга чиққанлар китобнинг инсон ҳаёти ва маънавий камолотида тугган ўрни хусусида тўхталиб, китоб кўргазмаларини мунтазам равишда ўтказиш, китобхонлик кечалари, мушоиралар ташкил этиш аъёнларини давом эттириш зарурлигини таъкидладилар.

Янги китоб марказида илмий ва бадиий адабиётлар, мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти намуналари, чет эл адабларининг дунёга машҳур асарлари, дарслик ва қўлланмаларни сотиб олиш мумкин.

Масъуд СУЛАЙМОНОВ

Ижтимоий ҳимоя

Таълими бошқармалари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликда барча туман ва шаҳарларда «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари» ярмаркалари ўтказилди. Унда 1370 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар иштирок этиди. Ярмаркада қатнашган 10938 дан ортиқ иш изловчидан 9626 нафарни ўзларига мос ишга жойлаштириш учун йўлланмаларни қўлга киритди.

Давоми 6-бетда.

Жараён

Шу йил 23 декабрь кунни мамлакатимизда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови нафақат ўз халқимизда, балки бутун жаҳон афкор оммасининг нигоҳида бўлганини изоҳлашга ҳожат йўқ. Буни турли оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган хабар ва мақолалардан ҳам билса бўлади. Сайловда бешта халқаро ташкилот ва ўттизта давлатдан 264 нафар халқаро кузатувчиларнинг иштирок этгани бу сийсий кампаниянинг қанчалик ошқоранга ўтганини кўрсатади.

Холислик ва ошқоралик тамойили

Сайлов кунини Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида бир неча бор брифинглар ўтказилди. Уларда сайлов жараёнининг бориши, сайловчиларнинг сайловда иштироки, овоз бериш жараёнларига оид муҳим маълумотлар бериб борилди. Ўз навбатида ОАВ вакиллари сайлов жараёнларини ҳозиржавоблик билан ёритиб бордилар.

Матбуот анжуманига келган журналистлар, халқаро кузатувчилар ҳам ўзaro фикр алмашишлари табиий. Биз шундай юзма-юз суҳбатларда билдирилган айрим фикрларни қоғозга туширдик.

Россияда чоп этиладиган «Трибуна» газетасининг иловаси — «ТЭК России» нашри масъул муҳаррири Рустем Телье шундай дейди:

— Ўзбекистоннинг иккинчи ватанимга айланиб қолган, десам муболаға бўлмайди. Бир пайтлар «Соц. индустрия» газетасининг Марказий Осиё бўйича ўз муҳбири бўлганман. Тошкентдаги муҳташам бинолардан бири — «Шарк» конфернисида алоҳида хонамиз ҳам бўларди. Ўша кезларда бу юртда бориб кўрмаган вилоятим, шаҳар ва туманим қолмаган ҳисоби. Дунёда ўзбекларчилик очик қўнғил, меҳнатқаш, меҳмондўст халқ бўлмаса керак. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён бу ўлка чиннакам жаннатга айланмади. Биргина Тошкентда қад ростлаган биноларга қараб лол қолсан киши! Бугунги ўзбек ёшлари замонавий технологиялар билан жиҳозланган коллеж ва лицейларда таълим олишгаётганини кўриб қувондим. Ўзбекистоннинг барча соҳаларда жадал ривожланиб бораётгани ҳам кўпчиликда хавас уйғотади. Сайлов жараёнларини диққат билан кузатдим. Бариси очик ва ошқоранга бўлиб ўтди. Худо хоҳласа, мен бу ерда кўрганларим ҳақида холис фикрларимни албатта «Трибуна» газетасида ёритмоқчиман.

Ҳиндистонлик халқаро кузатувчи Раши Дорасвали:

— Мен бу меҳмондўст мамлакат — Ўзбекистонга илк бор келишим. Жаҳон адабиётидаги ёрқин сиймолардан бири бўлган Алишер Навоийнинг номи билан аталувчи вилоятингизни кўриш орзусида эдим. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида айнан шу вилоятга боришни талладим. Навоий шаҳрига қадам ранжидан этар эканман, аввало равоён йўллар, замонавий бинолар, ажиб хиёбонлар эътиборимизни тортиди. Шаҳар марказида қад ростлаб турган Мир Алишер Навоийнинг маҳобатли ҳайкали ўзгача улғурлик касб этиб турибди. Бу улғурлик туйғулари одамларнинг очик чеҳраларида ҳам акс этганини кўрдим. Хусусан, Кармана туманидаги 39-сайлов участкаси сайловчилар эрта тонгдан ўзгача иштиёқ билан келишганини кузатдим. Одамларнинг юзларида озулар ифодаси акс этиб турибди. Ҳар бир сайловчи эмин-эркин овоз берди.

Япониядаги Фукушима шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон — Япония дўстлик ассоциацияси раиси Тоширо Шишидо ҳам дил сўзларини ҳаяжон билан гапирди:

— Ўзбекистонда сайлов ўзига хос ижтимоий институтга айланганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бундай фикрга мен олдинги иккита сайловда (бири — Президент сайлови, иккинчиси — парламент сайлови)да иштирок этиб, тўла ишонч ҳосил қилганман. Демак, бу учинчи бор Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган сайловларда қатнашим. Шунинг оқибати керакки, юртингизда сайловлар ниҳоятда тартибли ва демократик руҳда ўтади. Олдинги гал Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иккита номзод ўртасида кураш бўлса, бу гал номзодлар сони тўртгача етибди. Сайловчилар ҳар бир номзод дастури билан пухта танишгани ва муносиб номзодга овоз беришга тайёр экани уларнинг юз-кўзларидан билиниб турганлигига гувоҳ бўлдим. Муҳими, бу сайлов жуда юксак даражада ўтказилганини мен гузал Фаргона шаҳрида, Богдоқ, Кува ва Риштон туманларидаги сайлов участкаларида амин бўлдим.

Туркия телерадиокомпанияси масъул ходими Лавант Нагор:

— Мен баралла айтишим мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови гоёт холис, ошқоран, қонун талабларига тўла мос равишда ўтди. Сайлов жараёнида Марказий сайлов комиссияси томонидан брифинглар, матбуот анжуманлари ҳам ўз вақтида ўтказилгани эътиборга моликдир.

Ислон конференцияси вакили бўлган халқаро кузатувчи Усмон ал-Амири дил сўзларини қуйидагича баён қилди:

— Сайлов ўзига хос тарзда иймоннинг ифодаси бўлиб қолади. Чунки, унда сайловчи ўз хоши-иродасини яширин тарзда намойиш этади. У қайси номзодга овоз бериш масаласини ўйлаб кўрган. Мен ҳам қайсики сайлов участкасига бориб, сайловчиларни кузатмайин, улар юзида қандайдир нур кўргандек бўлдим. Демак, Ўзбекистон халқи мустақилликка эришганидан буён амалга оширилган улғувор ишлардан мамнундирлар.

Тўлқин ЭШБЕК

Жамият ҳаётининг кўзгуси

Муҳтарам Юртбошимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирилар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» деб номланган маърузасида юртимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, бу йилларда эришилган натижалар ҳақида гапирар экан, ўтган даврни шартли равишда икки босқичга бўлиб таҳлил қилди.

Биринчи босқич — 1991-2000 йилларда ўтти даври учун хос бўлган биринчи даражада ислохотлар амалга оширилди ҳамда миллий давлатчилик асослари шакллантирилди. Иккинчи — мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш босқичи деб таърифланган 2001-2007 йилларда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга эришилди, сийсий, ижтимоий-гуманитар соҳалар, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг изчил амалга оширилиши таъминланди.

Табиийки, мустақиллик тугайли туртинчи ҳокимият даражасига кўтарилган оммавий ахборот воситалари, уларда фаолият кўрсатаётган журналистлар давр кўзгуси, илғор ва янгиликларга изланувчи куч сифатида жамиятда юз бераётган бу жараёнлардан четда туриши мумкин эмас эди ва амалда шундай ҳам бўлди. Улар халқимизни юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида ўз вақтида хабардор этиб, ўзига хос ва ўзига мос йўлдан бориш жараёнларида эришилаётган ютуқ ва камчиликларни холисона ёритиб келмоқдалар.

Урни келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўзбек журналистикаси ҳам мустақиллик йилларида бошқа соҳалар каби ислох қилиниди ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Журналистлар уюшмаси ўз Низомида белгиланган мақсад ва вазифаларидан ҳамда Юртбошимиз таъкидлаганларидек, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш республикамиздаги демократик янгиликлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг муҳим шартини эканлигини келиб чиқиб, демократик андозаларни мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятига қўллаш бўйича бир қатор аниқ тадбирларни ишлаб чиқди ва уларни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Ушбу тадбирларнинг мазмун-моҳияти уюшманинг бош мақсадини ва ундан келиб чиқадиган вазифаларини бажаришга, жумладан, оммавий ахборот воситаларида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашга, журналистларимизни жамиятдаги янгиликларда фаол иштирок этишларини таъминлашга, уларнинг касбий малакаси ва маҳоратини оширишга қаратилган.

Бу тадбирларнинг бир қисми республикамиздаги турли идоралар, уюшмалар ва фондлар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширил-

ди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ЭКОСАН халқаро ташкилоти, БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Жаҳон банки ва бошқалар шулар жумласидандир.

Оммавий ахборот воситаларида унинг фаолиятига оид қонунларга риоя қилиниши масаласини ўрганишда, шу соҳа бўйича бошқа ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва муҳофиза этишда уюшмамиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва Қонунчилик палатаси билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келди. Бу борада «ОАВнинг жаҳон ва минтақавий миқёсдаги янгиликларни тежорлик билан ёритишдаги устувор вазифалари» мавзусидаги конференция, «ОАВда реклама бериш маданияти ва тартиб-қоидалари», «ОАВнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» мавзуларидаги семинарларни тилга олиш мумкин.

Мустақил матбуот фонди билан биргаликда ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди: «Аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси масалаларининг ОАВда ёритилиши», «Ижтимоий ҳаётни ёритишда ОАВ фаолиятини янада ошириш», «Босма ва интернет нашрларда репортёр: жанр хусусиятлари ва амалиёт» каби мавзулардаги медиа-форум, семинарларда ОАВ олдида турган долзарб масалалар атрофида муҳофиза қилинди.

Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирлар ҳам ҳаётининг миллий муҳим аҳамият касб этади. «Худудий телерадиостанциялар дастурларини миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган махсуслотлар билан таъминлаш», «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуришда ва демократлаштириш жараёнида нодавлат телестанциялар ролини янада ошириш», «Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохот ва янгиликларнинг худудий телевидио-материаллар томонидан ёритилиши» мавзуларидаги семинар ва тренингларда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуриш, юз бераётган янгиликларни, ислохотларнинг бориши жараёнларини халқ оmmasига тежорлик билан холисона етказишда юртимиздаги демократик ўзгаришларнинг кўринишларидан бири сифатида вужудга келган Ўзбекистон Электрон ОАВ миллий ассоциацияси тизимидаги худудий телерадиостанцияларнинг рол ва ўрни ҳақида фикр алмашилди.

Давоми 3-бетда.

Тугаётган йилнинг туганмас савоби

Вақт тизгинини жиловлаб бўлмайди. Мана, бунёдкорлик ва ободончиликка бой бўлган яна бир йилмиз якунлашишига ҳам санокли кунлар қолди. Бу йил давлат бюджетининг 54,1 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилгани, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга давлат томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кучайтирилгани билан аҳамиятли бўлди.

Бундай устувор вазифаларни амалга оширишда бир қанча мутасадди идоралар қаторида


Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги ало-

монидан 2007 йилнинг 9 ойда иш ва маслаҳатлар сўраб му-

рожаат этган 41904 нафар фуқаронинг 38174 нафари халқ хўжалигининг турли соҳаларига ишга жойлаштирилди.

Уларнинг 443 нафари касбуна ҳуқуқини, 1266 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилиб, қолганларига эса ишсизлик ҳафаси тайинланди.

Йилнинг ўтган даврида вилоят ҳокимияти, вилоят прокуратураси, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, халқ таълими, ўрта махсус касб



Давоми 6-бетда.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг дунё харитасидан ўрин эгаллаганига 16 йил бўлди. Бу давр ичида Ўзбекистонда демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида дадил қадамлар қўйилди. Бугун мустақилликини мустақамлаш, давлат ва жамиятни демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида Ўзбекистон эришган улкан муваффақиятларни тараққий этган кўпчилик давлатлар ҳам эътироф этмоқда.

Истиқлолга эришганимиздан кейинги ўтган тарихан киска даврга назар ташласак, Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг раҳнамолигида ва бевосита ташаббуслари билан турли соҳаларда босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар мамлакатимизнинг тараққий йўлини белгилаб бераётганлигини кўрамиз. Юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш госясини илгари сурдилар. Шу асосда миллий анъаналар, муқаддас қадриятлар ва халқро ҳуқуқ нормаларини ўзида мурасам этган Конституциямиз ва қонунларимиз ишлаб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу жараёнда шошма-шошарликка йўл қўйилмади ёки қайсибир давлатнинг қонунчилик механизми андоза қилиб қўйиб олинмади. Суд-ҳуқуқ тизими ислох қилишнинг муқоабла янги концепцияси яратилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг боришини кузатишдан бўлсақ, мамлакат тақдирига бефарқ бўлмаган, ўз тарихи, бугуни ва келажагини тасаввур қила олган фуқароларимиз улғу мақсад йўлида бирлашиб, қудратли яратувчи кучга айланиб бораётганини кўрамиз. Сиёсий ва ҳуқуқий тараққий ўзгариш ва янгилини бораётган фуқаролар қонун ижодкорлигида фаол иштирок этмоқдалар.

Хар бир қонунни тайёрлашда бу ҳуқуқий меъёрнинг ҳалқимиз ҳаётини яхшилаш учун қай даражада самара бериши мумкинлиги нуктаи назардан ёндашилди. Бу эса, албатта, ислохотларнинг узқони қўзлаб, чуқур муаммаларини ўйлаб, чуқур муҳозаза асосида, замон билан ҳамнафас руҳда амалга оширилаётганидан далолатдир.

Бу жараёнда, айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиликлар алоҳида ўринга эга. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминловчи бу тизимни ислох қилишга умумдавлат аҳамиятига молик, ўзбек миллий моделининг тақдирини ҳал қилувчи асосий масалалардан бири сифатида қаралиб, янги асосда суд-ҳуқуқ тизимини яратилган жиддий киришилди.

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини қаролатиш ва таъминлаш ҳар қандай давлатнинг биринчи даражали вазифалари эканлигини келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат функцияларини амалга оширувчи барча органларнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари қайта қўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор суд ҳокимиятининг жамиятдаги обрўсини ошириш, ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилди. Судларнинг жинсий, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви қонунда мустақамлаб қўйилиши билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган функциялари янада кучайтирилди.

Бу жараёнда прокуратура фаолиятини ҳам жиддий ислох қилишни тақозо этди. Прокуратура органлари фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асослар тақомиллаштирилди ва уларнинг ҳуқуқий мақомига бир қатор ўзгаришлар киритилиб, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоялаш вазифалари кучайтирилишига устувор аҳамият берилди.

Натижада муқаддам кўп йиллар давомида жинсий жавобгарликнинг амалга оширилишида таъбиқ этувчи ёки содда қилиб айтганда, «қораловчилик» вазифаларини бажариб келган прокуратура органлари янги қабул қилинган қонунга қўра фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоясини сифатида эътироф этди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг муҳим босқичларидан бири — бу 2001 йилда Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг госярини асосида ва бевосита ташаббуси билан «Жинсий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарликни тўғрисидаги кодексга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни қабул қилинганлигидир.

Ушбу Қонун асосида амалдаги қонун ҳужжатларида жиноятларни таснифлаш билан боғлиқ бир қатор ўзгаришлар, жиноят учун жазо белгилаш ва уни ўташ қоидаларига ҳам муайян энгиликлар киритилди, озоликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди ва ярашув институти жорий қилинди.

Маъмур Қонун қабул қилинган дастлабки вақтда айрим ҳуқуқшуносларда жиний жавобгарликнинг эркинлаштирилиши мамлакатнинг жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатида жиддий муаммолар юзага келтириши ҳамда жиноятларнинг кескин

ортиб кетишига олиб келиши мумкинлиги ҳақида пайдо бўлган хавотирларнинг ўринсизлиги ва асосизлигини охириги 6 йиллик амалиёт аққол кўрсатиб берди. Жиний жазолар тизимини тубдан ислох қилиш бўйича давлатимиз раҳбарининг бу госясини муҳим аҳамияти шундаки, бунда оғир жазолар тайинлаш сиёсатини кескин юмшатиш, айни вақтда, иқтисодий санкциялар ҳамда озоликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа муқобил жазоларни кенг қўллаш орқали жиноятчиликка таъсирчан зарба берилди.

Натижада мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги ошди ва ўта хавфли жиноятларнинг йилдан-йилга камайишига эришилди. Хусусан, мамлакатимизда 2000 йилга нисбатан ҳозирда оғир ва ўта оғир жиноятлар 56 фоизга, қотиллик жиноятлари деярли 24 фоизга, ўғирлик 42 фоизга, номуқаддаслиги 7,4 фоизга ва безорилик 6 фоизга камайди.

Қонунчилигимиздаги ўзгаришлар туфайли сўнгги йилларда фуқароларни қамқоқ олиш эҳтиёт чорасини қўллаш ҳоллари кескин камайди.

Жиний жазолар либераллаштирилишига қадар, яъни 2000 йилда жиноят содир қилган 31 миң нафардан ортиқ шахс ёки ҳар икки айбланувчидан биттаси дастлабки тергов даврида қамқоққа олинган бўлса, 2007 йилда бундай чора ҳар беш нафар айбланувчидан биттасига ёки 12 миң нафар шахсга нисбатан қўлланилган, холос.

Уз навбатиде, жиноят ишлари бўйича судлар амалиётида ҳам озоликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларни қўллаш сезиларли даражада камайди.

2000 йилда судланганларнинг 47 фоизи озоликдан маҳрум қилинган бўлса, 2006 йил ва жорий йилда суд ҳўми эълон қилинган шахсларнинг деярли 70 фоизига нисбатан жамият ва оиладан ажратилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар қўлланилди.

Бундан ташқари, иқтисодиёт соҳасидаги 8 турдаги жиноятлар бўйича етказилган зарар қопланган тақдирда, озоликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги тўғрисида қонунчиликка киритилган ўзгариш жуда катта самара берди. Бу билан, биринчидан, ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган шахсларни жамиятдан ва оиласидан ажратмасликдан қайта тарбиялаш имкони пайдо бўлди. Иккинчидан, жиноят оқибатларини бартараф этиш ва талон-торож қилинган моддий бойликларни қайтариш имкони янги кенгайди. Хусусан, фақат охириги икки йил давомида жиноятлар туфайли етказилган зарарнинг 82 фоизи, яъни 329 млрд. сўмининг айбдор шахслардан ундирилиши таъминланди.

Шунингдек, мазкур қонун қабул қилингандан ҳозирги кунга қадар ярашув асосида 65 миңдан ортиқ шахс жиний жавобгарликдан озодек қилинган. Жиний жазоларни либераллаштириш сиёсатининг яна бир муҳим жиҳати сифатида илгари жиний жавобгарликка тортилган шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолларининг йилдан-йилга камайганини, яъни жазонинг тарбиявий аҳамияти ошиб бораётганлигини айтиш мумкин.

Қонунчиликка амалга оширилган либераллаштиришдан кейин жиноятларнинг бу тарздаги камайиши мамлакат раҳбарининг «Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ёки шафқатсизлигига эмас, балки, биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқарарлигини нечоғли англашига боғлиқ» деган фикрлари нақадар тўри эканлигини аққол тасдиқлаб турибди.

Либераллаштириш сиёсатининг бундай самараси жиноят учун жавобгарлик тизимига янада энгиликлар киритиш мумкинлигини далолат берди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичининг асосий вазифалари мамлакатимиз раҳбари Ислам Абдуганиевич Каримовнинг 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида сўзлаб «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модерни-

зация ва ислох этишдир» номли маърузасида белгилаб берилди.

Маърузада бу вазифаларни амалга оширишда мустақиллик йилларида тўпланган тажрибани таҳлил этишимиз, халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари асосида суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш ва либераллаштириш орқали судларнинг ҳақиқий мустақиллиги ва эркинлигини, инсоннинг яшаш ҳуқуқини ва бошқа конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг муқоабил жазоларни кенг қўллаш орқали жиноятчиликка таъсирчан зарба берилди.

Таъкидлаш жоизки, юқоридики вазифалар ичида ўзининг долзарблиги билан муҳим аҳамиятга эга бўлган, бугунги кунда дунё ҳамжамияти диққат

марказида турган муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида эътироф этилаётган ўлим жазосини жиний жазо тизимидан чиқариб ташлаш ҳамда қамқоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш масалаларининг ҳал қилиниши — мамлакатимизнинг ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида оғишмай олдинга қараб бораётганлигини яна бир бор тасдиқлади.

Жиний жазоларни либераллаштириш сиёсатининг манжийи давоми сифатида 2005 йил 1 августда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Ушбу янгилик халқимизнинг эътибори ва меҳр-шафқат, бағрикенглик ҳамда кечиримлилик каби хислатларининг яна бир ёрқин ифодаси бўлиб, кейинги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг янги сифат босқичини бошлаб берди.

Бугунги кунга келиб, дунё давлатларининг учдан икки қисмида ўлим жазоси қонун асосида бекор қилинган ёки амалда қўлланилмади.

Йилдан-йилга дунёда ўлим жазосидан воз кечаётган давлатлар санигинг ортиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, 1990 йилдан ҳозирга қадар 45 дан ортиқ давлатда ўлим жазоси бекор қилиниб, бундай давлатлар сони 80 тадан ошди.

Мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан жорий йилнинг 11 июль кунин қабул қилинган Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексиде белгилаган жазо тизимидан ўлим жазоси чиқарилиб, янги жазо тури сифатида умрбод озоликдан маҳрум этиш жазоси киритилди. Шунингдек, жиний қонунчилигида узок муддатга озоликдан маҳрум қилишнинг тушунчаси берилди.

Қонунда умрбод ёки узок муддатга озоликдан маҳрум қилиш жазолари факатгина жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish ва терроризм жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан таъинланиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Айни пайтда, инсоний қадриятлар ва инсонпарварлик тамойиллари асосида бу жазолар аёлларга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга, олтими ёшдан ошган эркакларга нисбатан таъинланиши мумкин эмаслиги назарда тутилди.

Умрбод озоликдан маҳрум қилиш жазосининг жиний жазолар тизимига киритилиши жиноят ижроия қонунчилигида ҳам айрим ўзгаришларга олиб келди. Хусусан, умрбод озоликдан маҳрум этишга ҳўм этилган маҳкумлар жазони махсус сақлаш шароитларига эга бўлган маҳкумларга қўйилган қонунчиликда ушлар билан белгиланди. Қайд этиш лозимки, бу тоифадаги маҳкумларни жазони ифдо этиш муассасаларида сақлаш шароитларини белгилашга қаратилган қонун меъёрлари халқро ҳуқуқ нормаларига риоя этилган ҳолда ишлаб чиқилди.

Суд-ҳуқуқ тизимидеги ислохот-

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамият сари

ларнинг янги бир муҳим босқичига асос солган, Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Ўзбекистон Республикасида қамқоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш масаласи алоҳида ҳуқуқий аҳамиятга эгадир. Президентимизнинг 2005 йил 8 августдаги «Қамқоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармони асосида Жиноят-процессуал кодекси, прокуратура ва судлар тўғрисидаги қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилишида бир қатор хорж давлатларининг тажрибалари ўрганилди, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тажрибали ходимлари ва кенг жамоатчилик фикри инобатга олинди.

Қамқоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши неғизиде бу турдаги эҳтиёт чорасини танлашда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қаролатиш, қонун ҳужжатларининг устуворлигини таъминлаш кўзда тутилган. Эндиликда қамқоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи судга тақдим этилган далилларни томонларнинг тортишув принципи асо-

эҳтиёт чорасини фақат айбланувчи ёки гумонланувчига тергов ва суддан яширинишига шароит яратиб берувчи жиддий асослар мавжуд бўлган бешта ҳолатда қўлланиши аниқ белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ишни судга қадар юритиш жараёнида қўлланилган қамқоққа олиш эҳтиёт чораси шахсини бундан кейин қамқоққа сақлаш учун асослар бўлмаса, прокурор томонидан, шунингдек, прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан эҳтиёт чораси тўғрисида қарор чиқарган судни хабардор қилган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгарилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Судларга қайта муқоабат қилмасдан эҳтиёт чорасини ўзгарилиши ва бекор қилиш масаласининг бу тарзда ҳал этилиши дастлабки тергов мобайлида айбланувчининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган процессуал ҳаракатларнинг тезликида қабул қилинишини таъминлайди ва бу билан боғлиқ сансалорликларга чек қўяди.

Умумий қилиб айтганда, ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамқоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши билан боғлиқ қонун ҳужжатлари, авваломбор, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, халқро ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос келди.

Қайд этиш керакики, мазкур қонунларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, қолаверса, уларни амалда қўллаш тартибини ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари ходимларига ўргатиш борасида кенг қамровли тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг топириги асосида махсус ишчи гуруҳлари тўзилиб, республикамизнинг ҳар бир вилоятига борилди ҳамда жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг барча ходимлари ва жамоатчилик вакиллари билан семинар-масўулоти, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказилди.

Мазкур тадбирларда бўлиб ўтган мунозаралар, баҳслар, билдирилган тақлиф ҳамда фикр-мулохазалар ушбу қонунларни амалда татбиқ этиш борасида раҳбарий тушунтириш бериш зарурлигини кўрсатди.

Бу жараёнга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура ҳодимлари, тажрибали ҳуқуқшунос олимлар жалб қилиниб, асосий эътибор мунозарали масалалар бўйича ягона тўхтама қелиши ва амалиётда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг ечимини топишга қаратилди.

Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи мутасадди органларнинг идоравий ҳуқуқий ҳужжатлари қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтирилди, тегишли қоидалар ва ўрнатилган тартиблар қайта қўриб чиқилди.

Шунингдек, 2007 йил 14 ноябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Умрбод озоликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазони қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги ҳамда «Судга қадар иш юритиш босқичида қамқоққа олиш тарихидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамқоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши билан боғлиқ қонунлар 2008 йилнинг 1 январидан қўра киритилади. Шуни инобатга олган ҳолда, ушбу жараёнга тайёрлик қўриш билан боғлиқ барча ташкилий тадбирлар амалга оширилди.

Республикамизда ўлим жазосининг бекор қилиниши ва қамқоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга хизмат қилади. Давлатимизнинг жаҳондаги обрўсини янада оширади. Фуқароларимизнинг Конституция билан қаролатилган ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланишига олиб келди.

Жиний жазо тизимини либераллаштиришга доир қонунларни амалиётга тўри татбиқ этиш прокуратура органлари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолаверди.

Рашитжон ҚОДИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Бож прокурори, 1-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.

«Халқ сўзи» газетасининг 2007 йил 21 декабрь сонидан олинди

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Қисқа саҳраларда

Бугуннинг нафаси

● **Юртдошларимиз ҳаж зиёратидан қайтмоқда.** Ҳаж амалларини эмин-эркин адо этиш мустақиллик бизга берган имкониятлардан биридир. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмоҳон Алимовнинг берган маълумотига қараганда, истиқлол йилларида 70 миң нафардан кўпроқ ҳамюртимиз муборак ҳаж зиёратига бориб қелишга муяссар бўлишди. Шу йилнинг ўзида эса беш миң нафардан зиёд ватандошимиз исломнинг беш фарзидан бирини адо этишди.

● **Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳаж сафари бу йил Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси билан бир вақтда тўри келгани учун Маккаи Муқаррамага йўл олаётган бўлажак ҳўжаликларга олдиндан овоз бериш имкони яратилди.**

● **Тошкент Фотосуратлар уйида «Маҳалладан бошланар Ватан»** номли бадий фото кўргазма очилди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Бадий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада юртимиздаги тинч ва сойишта ҳаёт, ўзаро аҳиллик ва бағрикенглик муҳити акс эттирилган фотосуратларга кенг ўрин берилди. Айниқса, Х.Шораҳмедовнинг «Тўй», С.Карандаевнинг «Меҳнат-каш одамлар», А.Вайтштейннинг «Уй нони» каби асарлари томошабиларга кўпроқ манзур бўлмоқда.

● **Урганч шаҳрида Республика ихтисослаштирилган офтальмология марказининг вилоти филиали иш бошлади.** 50 ўринга мўлжалланган шифохонада глаукома, катаракта каби кўз касалликлари ва кўз жароҳатларини даволаш билан бирга сунъий кўз гавҳари ўрнатиш, пластик операция қилиш имкони мавжуд. Тиббий муассаса замонавий кўз ултратовуш диагностикаси, кўз нерви сезувчанлигини аниқлаш тиббий ускунаси, микроскоп ва шу каби керакли ашёлар билан жиҳозланди. Замонавий қиёфа касб этган шифохонада беморларни қабул қилиш ва даволаш ишлари бошлаб юборилди.

● **Зангиота туманидаги «Иттифок»** агросаноат фирмаси янгица қадқолган олмали чипс ишлаб чиқара бошлади. Бу ерда мева ва сабзавот оддий йўл билан эмас, балки инфрақизил нурлар ёрдамида қурилади. Бу усулда қурилган махсулот тарихидаги барча витамин ва микроэлементларни сақлаб қолади.

● **Ургут туманидаги Жартепе қишлоғида янги насос станцияси ишга тушди.** Даргом айланма каналдан 46 метр балангликка сув чиқариш учун 3400 метр қувур ётқизилган. Секундига 2100 литр сув тортиб берадиган станция ёрдамида 130 га яқин фермер ҳўжалиklarининг экин майдонлари ва 200 дан зиёд аҳоли томоққасида иборат 2000 гектардан зиёд ер суғорилади. Иншоот Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги буюртмасига асосан «Сўғд-Зарафшон сув қурилиш» МЧЖ томонидан барпо қилинди.

● **Республикамиз вилотларидаги кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ҳамда Мехрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар учун махсус Президент совғалари жўнатилмоқда.**

● **Шунингдек, вилот, туман марказларида янги йил арчалари ўрнатиляпти.** Шулардан бири Жиззах вилояти бош майдонида қад рослади. Шу билан бирга, нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун зарур чора-тадбирлар ҳам амалга ошириляпти.

● **Арчага ёнғининг олдини олувчи суоқлик билан ишлов берилди, — дейди вилот ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т.Комилов.** — Барча ёритқичлар изоляция воситалар билан ўрнатилиши назорат қилинди. Қолаверса, пиротехник воситаларнинг олиб келиниши ва савдосига қарши тегишли идоралар билан ҳамкорликда кураш олиб борилмоқда.



● **Хоразм вилоти марказида янги хусусий босмахона иш бошлади.** Тадбиркор Фарҳод Ибодуллаев олган имтиёзли кредитига Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган босмахона ускунасини сотиб олиб, бир неча нафар ёшларни ҳам иш билан таъминлади.

● **Матбаа корхоналари орасида эркин рақобатни шакллантириш, журналистика ривожига ҳам муҳим омиллардан бири, — дейди вилот Матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи У.Йўлдошев.** — Сифатли босмахоналар қанча кўпайса, хизмат нархлари шунча арзонлашади. Янги босмахонада «Хоразм ёшлари» ва «Иқтисод таянчи» газеталари чоп этила бошлади.

● **«Raynet»** компанияси 25 декабрдан бошлаб «Coscom» абонентлари тўловларини қабул қила бошлади.

● **Таъкидлаш жоизки, тўловлар «Raynet» компаниясининг барча қабул пунктларида реал вақт режимида қабул қилинади.** Улар сони Тошкент шаҳрида 1000 дан ортиқ, республика миқёсида эса 4000 дан зиёдқоқни ташкил этади.

Зариф КЕЛДИЁРОВ тайёрлади.



Давоми. Бошланиши 1-бетда.

ЭКОСАН халқаро ташкилоти, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва бир қатор таъриятлар билан ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар журналистларимизнинг мамлакат тарраққийтида муҳим омил ҳисобланган ижтимоий-сийсий, халқ саломатлиги ва табиат муҳофазаси каби масалаларнинг ичига чуқурроқ кириб боришлари ва уларни қизиқарли ёритишларида катта самара берди, деб ўйлайман. "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимиз Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаларида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда ОАВнинг роли ва аҳамияти" мавзусида Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказилган семинарлар, "Орол минтақаси: аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги шериклик", "Мустиқлик, экология ва халқ саломатлиги", "Атроф-муҳитни ва аҳоли соғлиғини ҳимоя қилишда ОАВнинг роли", "Худудий ва глобал экологик таҳдидлар шароитида матбуот" мавзусидаги конференциялар, семинарлар, экотрип ва медиа-форум бу йўналишдаги ишларимиз жумласидандир.

2005 йилда бизнинг уюшма Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан биргаликда Жаҳон матбуоти эркинлиги куни - 3 майга бағишланган "Олтин қалам" Миллий мукофотини таъсис этиш ва халқаро танлов ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Мамлакатимиз раҳбарияти ва кенг жамоатчилик уни қўллаб-қувватлади. Ундан мақсад халқаро ва миллий журналистика ютуқларини омалаштириш, бу соҳадаги халқаро андозаларни ўзбек журналистикасига ҳам татбиқ этиш, журналистлар ўзларининг фуқаролик нуктаи назарларини намоён этишлари учун шароитлар яратиш, уларда ижодга эркин ва ян-

гича ёндашуви шакллантириш эди. 2006 ва 2007 йилларда ўтказилган танлов натижалари шуни кўрсатдики, у журналистларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини янада оширишга ёрдам берди ва улар учун қайсидир маънода маҳорат мактаби вазифини ўтади. Шу боис "Олтин қалам" Миллий мукофоти учун танловни бундан буён ҳам давом эттирамиз.

Танловни ташкил этиш ва ўтказишда республика-

лар фаоллигини ва маҳоратини оширишга қаратилган аъёнанинг танловлар ҳам ўтказилди:
• Халқаро хотин-қизлар куни 8 мартга бағишланган "Атиргул" танлови;
• Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови;
• Республикаимиз мустақиллиги - 1 сентябрга бағишланган "Энг улуг ва энг азиз" танлови.

Яна бир тадбир ва у

интернет-журналистика ходимлари ўртасида Миллий мукофот учун уч мартаба танлов ўтказилди. Танлов ғолиблари уларнинг фаолиятлари самардорлигини оширишга хизмат қиладиган техник воситалар - компьютер, видеокамера, рақамли диктафон, уяли телефон каби совғалар билан тақдирландилар. III Миллий мукофот учун ўтказилган танлов ғолибларига мукофотлар шу йилнинг 12 декабрида "Интеркон-

Ўзбекистон Мустақил матбуот фонди билан биргаликда ташкил этилган Журналистлар маҳоратини ошириш марказларининг бир йиллик фаолиятини атрофлича ўрганиб чиқиш бундай марказларни бошқа вилоятларда ҳам очиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди. Яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, бугунги кун журналистикаси олдида турган муҳим вазифалардан бири - бу журналистларнинг ихтисосла-

Маҳаллий ОАВ фаолиятга эътибор ҳам доимо уюшмаимизнинг диққат марказида турган масалалардан биридир. Маҳаллий нашрларнинг давр талабига мос савияда чиқишига, таъриятларнинг замонавий компьютер ва бошқа техник воситалар билан таъминлашга ва журналистларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ёрдам бериш, маҳаллий ОАВдаги илғор таъриятларни омалаштириш, бу тизимда меҳнат қилаётган журналистларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни журналистлар фаолиятига оид сўнгги янгиликлар билан таништириб бориш, жойларда "жамоатчилик фикри", "мухбирлар пункти" каби тузилмалар ташкил этиш ва улар орқали маҳаллий нашрларни кенг жамоатчиликка яқинлаштириш, соғлом муҳит яратиш ишларини бошқичма-бошқич амалга ошириш мақсадида уюшма қошида яна битта кенгаш - Маҳаллий ОАВ билан ишлаш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши тизини давом эттириш соани жами 10 га етди.

Ўқорида айтилганлар уюшманинг ўтган йил давомида амалга оширган 70 дан ортиқ тадбирларидан бири қисмидир. Турли давралардаги учрашув ва мулоқотлар шундан далолат бериштиради, биз ўтказган тадбирлар журналистларимизга ҳам, кенг жамоатчиликка ҳам манзур бўлмоқда. Бу бизга куч бағишлайди ва келгуси 2008 йилда ҳам бундай тадбирларни давом эттирамиз.

Булардан ташқари асосий мақсадимиз - миллий журналистикамиз ОАВ фаолиятини яна эркинлаштириш йўлида қўлдан келганча хизмат қилиш. "Ёшлар йили" муносабати билан ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширишни режалаштирмакдасиз. Қолаверса, журналистлар олдида қўйилган талаблардан бири бу воқеа-ҳодисаларни ёритишда долзарблик ва тезкорликдир. Шундай экан, режаларимиз йил давомида оз бериши мумкин бўлган ижобий ўзгаришлар билан тўлдириб борилади.

Хаво тўлқинларида

"Мумтоз сўз сеҳри"

Сўзда сеҳр бор. Ўзбек мумтоз адабиёти вакилларининг бой ижодий мероси бу жараёнда етакчилик қилади. "O'zbekiston" радиоканали орқали эфирга узатилиши қўллаётган "Мумтоз сўз сеҳри" номли лойиҳадан фикримизнинг исботини топасиз. Бу эшиттиришни янги йилдан бошлаб ҳар ойда тўрт марта кузатиб боришни унутманг.

"Миллат ва маънавият"

Ана шу номдаги эшиттириш "O'zbekiston" радиоканали ижодкорларининг янги лойиҳаси бўлиб, январь ойдан тингловчилар ҳукмига ҳавола этилади. Маънавиятимизнинг юрт тараққийтидаги ўрни ҳар томонлама таҳлил қилиниши қўллаётган мазкур эшиттириш ўйлаймизки, сизнинг эътиборингиздан четда қолмайди.

"Адабиёт жараёни"

Мазкур лойиҳа ҳам "O'zbekiston" радиоканали орқали 2008 йил январь ойдан бошлаб ҳафтада бир марта йигирма дақиқа давомида эфирга узатилиши режалаштирилган. Бунда ҳозирги адабий жараёндаги ўзига хос ўзгаришлар, шеърят, наср, адабиётшунослик ва таржимашуносликдаги янгиликлар ҳақида сўз боради. Шунингдек, ёш ижодкорларнинг изланишлари ҳам мутахассислар иштирокида таҳлил қилинади.

"Хандабус"ни биласизми?

Энг кескин вазиятларда ҳам юмор инсониятнинг халоскори бўлиши мумкин. Бу тарих исботлаган ҳақиқат. «Yoshlar» радиоканалининг дам олиш дастурлари таркибидаги «Хандабус» эшиттириши ҳаёт фалсафасини самимий кулги остида изоҳлашга ҳаракат қилади. Ҳар шанба ва якшанба кунлари соат 15⁰⁰ да Аҳрор Қўшматов муҳаррирлигидаги бу эшиттиришни ўтказиб юборманг.

Йўлдаги ҳамроҳингиз

Ҳар куни соат 17⁰⁰ дан 19⁰⁰ гача «Yoshlar» радиоканали тўлқинларидан «Уйга қайтайтиб» дастурдан баҳраманд бўлишингиз мумкин. Бир неча кичик-кичик саҳифалардан ташкил топган бу дастур кишиларнинг ишдан қайтиш вақтига мўлжалланган бўлиб, бу лойиҳа аъло кайфиятда уйга кириб боришингиз учун яхши ҳамроҳ бўла олади.

Ситора ТОЖИДИНОВА

Жамият ҳаётининг кўзгуси

миздаги бир қатор тадбирлар ва фондлар қатори БМТ, ЮНЕСКО, Жаҳон банки сингари нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам яқиндан ёрдам берди.

Биринчи йили танлов асосий мукофот бўйича учта ва рағбатлантирувчи мукофот бўйича ўнча, жами 13 номинация бўйича ўтказилган бўлса, иккинчи йили номинациялар сони қарийб икки баробарга кўпайди, аниқроғи, 25 та номинация бўйича ўтказилди:
• битта бош мукофот;
• телевидение, радио, матбуот ва интернет журналистиканинг ҳар бири бўйича 1, 2, ва 3 - ўринлар учун 12 та асосий мукофот;
• 12 та номинацияда рағбатлантирувчи мукофот.

Келгуси йилда рағбатлантирувчи мукофотлар бўйича номинацияларни янада кўпайтириш ниятимиз бор. 2008 йил республикамизда "Ёшлар йили" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ёшлар мавзусини ёритиш бўйича энг яхши журналистик материал номинациясини киритиш ниятидамыз. Бундан ташқари ҳисобот йилида журналист-

билан боғлиқ танловни таъкидлашни лозим, деб ҳисоблайман. Халқимиз, айниқса, аёллар ва болалар соғлиғини ҳимоялаш мақсадида Президентимиз 2005 йилда "Урни бойитиш бўйича миллий дастурнинг амалга оширилиши чора-тадбирлари тўғрисида" қарор қабул қилди. Унда бойитилган уннинг аёллар ва болалар саломатлигига ижобий таъсирини оммавий ахборот воситалари орқали халқ оmmasига тушунтириш зарурлиги кўрсатилган. Ушбу қарорни бажариш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Бойитилган уннинг қолдиқ касаллигининг олдини олишдаги аҳамиятини ёритиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Уздонмахсулот" акционерлик компанияси ҳамда БМТнинг Болалар жамғармаси - ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан биргаликда сайёр семинарлар ташкил этилди. Матбуот, телевидение, радио ва

тинентал" меҳмонхонасида тантанали равишда топширилди.

Жорий йилнинг октябр ва ноябрь ойларида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан биргаликда яна бир хайрли тадбирни амалга оширдик. Республикаимизда шу йилнинг 12 ноябрдан 25 ноябргача 11 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёшларни қизамиқ ва қизилча касалликларга қарши эмлаш кампанияси ўтказилди. Бу масалада ҳам октябр ойда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари ҳамда ЮНИСЕФнинг мутасадди ходимлари иштирокида журналистлар учун семинарлар ўтказилди. Бу, табиийки, қизамиқ ва қизилчага қарши эмлаш жараёнининг уюшган ҳолда муваффақиятли ўтишида жуда катта роль ўйнади.

2006 йилда Қашқадарё, Самарқанд ва Фарғона водийси вилоятларида ҳокимликлар муассислигидаги газеталар қошида

шуви масаласидир. Зеро, журналист ёритмоқчи бўлган соҳанинг ўзига хос хусусиятларини чуқур билиши керак. Шундагина у кўтарилаётган масаланинг негизига етиб боришга қодир бўлади ва ўқувчиларни, телеомошабинларни ва радиотингловчиларни ишонтиради ҳамда материалларни ўқишга, томоша қилишга ва эшитишга жалб эта олади. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети қошида икки йиллик Олий журналистика курсининг ташкил этилиши бу йўналишдаги дастлабки қадам бўлди. Бу курсга журналистикага иқтидори бўлган ва ОАВда материаллар билан қатнашиб келаётган бошқа соҳа мутахассислари қабул қилинди. Бу йил ушбу курснинг биринчи қалдирғочлари республика оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсата бошладилар. Ишонимизки, улар икки йил давомида олган назарий билимларини амалиётга қўллаб, салмоғи тош боқадиган ўқимишли материаллар тайёрладилар ва журналистикамиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Мамлакатимизнинг барча фуқароларини яқинлашиб келаётган янги — 2008 йил билан муборакбод этади.



Бошқарма тасарруфида фаолият юритаётган шифобахш, табиий иқлимга, маъданли сувларга ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга Сизларни чорлаймиз.

Тошкент шаҳридаги "Турон" ОАЖ санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма: юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

"Оқтош" МЧЖ санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма: нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари. Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

"Чинобод" ОАЖ санаторийсига
Даволаш учун кўрсатма: ҳазм аъзолари, қанд (диабет) ва гинекологик касалликлар.

Бухоро шаҳрида: "Ситораи моҳи хосса" МЧЖ санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма: буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар.

Тошкент вилоятидаги "Ботаника" МЧЖ санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма: юрак-қон-томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлар.

Жиззах вилоятида: "Зомин" МЧЖ санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма: нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлар.

"Бўстон" МЧЖ санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма: юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

"Косонсой" МЧЖ санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма: қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлар.

"Умид гулшани" МЧЖ санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма: гинекологик, андрологик касалликлар.

Самарқанд вилоятида: "Абу Али ибн Сино" МЧЖ санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма: қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари. Махсус йўлланма бўйича ота

аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.
"Мироқи" МЧЖ санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма: асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари. Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.
Фарғона вилоятида: "Чимён" МЧЖ санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма: қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлар. Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Наманган вилоятида: "Чортоқ" МЧЖ санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма: қон айланиши, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари. Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Хоразм вилоятидаги: "Хонқа" санаторийсига
Даволаниш учун кўрсатма: юрак-қон-томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари.

Даволаниш муддати — 14 кун.

Йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон ҳисобланади! Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нарҳида сотилади. Шу билан бирга Курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДХдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

Самарқанд вилояти Нарпай туман муқобил-машина трактор парки жамоаси

Ўзбекистонимизнинг бунёдкор халқини Янги йил байрами билан чин дилдан муборакбод этади.

2008 йилда бардамлик ва хуш кайфият, омад ва бахту иқбол ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Хонадонларимиз тинчлик-омонлик, тотувлик ва тўкин-сочинликдан нурга тўлсин.



Янги йилингиз билан, азиз юртдошлар!



Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. Мурожаат учун телефонлар: 153-85-68, 153-70-97.

“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ



Мустақил Ўзбекистони-
мизнинг бунёдкор халқини
кириб келаётган
2008 йил билан қизгин
қутлайди.

Барчангизга
мустаҳкам
соғлиқ, бахту
саодат, омад ва хуш
кайфият йўлдош
бўлсин. азизлар!



Ўзбекистон Республикаси Маърифатпарвар
жамияти Самарқанд Вилояти бўлими ҳамда
Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли
“Устоз” саломатлик ва экологик тарбия маркази
жамоалари

бутун Ўзбекистон халқини
яқинлашиб келаётган Янги йил
байрами билан
самимий муборакбод этади!




Келаётган 2008 йил барчамизга янги-янги
муваффақиятлар, қувонч ва шодликлар келтирсин!

«ТОШКЕНТВИНО» ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Юртошларимизни яқинлашиб
келаётган Янги йил айёми
билан қутлайди.

2008 йил барчамизга янада барақали, омадли келсин!

Ватанимиз тинч, осмонимиз ҳамиша беғубор,
дастурхонимиз тўкин бўлсин!



Мамлакатимизнинг барча фуқароларини яқинлашиб келаётган **Янги 2008 йил** – «**Ёшлар йили**» билан самимий муборакбод этади ва Сизларга мустақкам соғлиқ, оилангизга бахт-саодат, хонадонингизга шоду хуррамлик ҳамда дастурхонингизга қут-барака тилайди.

Юртимизда тинчлик ва осойишталик доимо ҳукмрон бўлишини тилаб қолган ҳолда Янги йил байрами муносабати билан мижозлар учун ҳар томонлама қулай бўлган қуйидаги омонат турларига бўш пул маблағларингизни қўйиб, шахсий даромадингизни оширишингизга кўмак беришини билдиради.


«**МИЖОЗЛАР МАНФААТИ**» – сақлаш муддати **12 ой**, фоиз даромади йиллик **30 %**, бошланғич бадал камида **200 000 сўм**. Ҳисобварақ очилган куннинг ўзида омонатчи фоиз даромадини олдиндан фойдаланилган коммунал тўловлар учун нақд пулсиз ўтказиши ёки омонатни сақлаш муддати 3 ойдан ўтгандан кейин нақд пулда олиши мумкин.

«**МАИШИЙ ХИЗМАТ**» – сақлаш муддати **3 ой**, фоиз даромади йиллик **28 %**, бошланғич бадал камида **200 000 сўм**. Фоиз даромади ҳар ой ҳисобланиб омонат қолдигига қўшилиши ва коммунал тўловлар учун нақд пулсиз хизмат ҳақи олинмасдан ўтказиб берилади.

«**ЁШ ОИЛА**» – сақлаш муддати **6 ой**, йиллик **24 %** даромад тўлаш шарти билан, бошланғич бадал камида **100 000 сўм**.

Белгиланган фоиз даромади ҳар ойда ҳисобланиб омонат қолдигига қўшилиб борилади.

ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Самарқанд вилоят филиали жамоаси

Юртдошларимизни эшик қоқиб келаётган Янги йил байрами билан чин юракдан табриклайди.

Ҳаётингизда олам-олам шоду

хуррамлик, рўзгорингизга

қут-барака, меҳнат фаолиятингизда

омад ва муваффақиятлар

ёр бўлсин!

Янги йил муборак,

қадрли юртдошлар!

Франция қўшин сонини оширади

Франция президенти Николя Саркози Афғонистон пойтахти Кобулга ташриф буюрди. Афғон раҳбари Хамид Карзай билан учрашув чоғида Н. Саркози Франция яқин вақт ичида Афғонистондаги ҳарбий контингент сонини ошириш режалаштирилганини маълум қилди. Француз аскарлари Афғонистон армияси ва полициясини шакллантиришга ёрдам беради. Маълумотларга қараганда, айни пайтда Афғонистонда 1900 на-



фар француз ҳарбийлари фаолият юритмоқда. Уларнинг аксарияти пойтахт Кобулда, қолган қисми Қандаҳор шаҳрида.

Бундан бир қанча муддат олдин Буюк Британия қироллиги ҳам афғон заминидоги 7800 кишилик ҳарбий контингентни кўпайтириш хусусида баёнот берган эди.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда Афғонистонда НАТОнинг 40 мингдан ортиқ аскари мавжуд.

Philips тарихидаги энг йирик шартнома

Philips Electronics Американинг тиббиёт ускуналарига ишлаб чиқаришга ихтисослашган Respironics компаниясини сотиб олишни режалаштирди. Компания бунинг учун 3,6 миллиард евро тўлашга тайёрлигини билдирган. Мазкур савдо Philips тарихидаги энг йирик шартнома деб баҳоланмоқда.

Нидерландияда жойлашган компания сўнгги йилларда тиббиёт асбоб-ускуналари


ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтиришга ҳаракат қилапти. Respironicsнинг сотиб олиниши бу йилдаги иккинчи сотиб олиш бўлиши бўлади. Бунга қадар Philips 430 миллион доллар эвазига Visicu компаниясини ҳам сотиб олган эди. GE Healthcare ва Siemens Medical Solutions фирмалари нидерланд компаниясининг халқаро бозордаги асосий рақиблири саналади. Philips ҳозирда тиб-



бий ускуналар ишлаб чиқариш бўйича Европада учинчи ўринда турибди. Охириги икки йил ичида компания 10 миллиард евролик битимларни имзолади.

Халқаро фазо станциясига янги йил совғалари

Қозғистоннинг Бойкўнғир космодромидан «Союз» ракета ташувчиси халқаро фазо станциясига учирди. Мазкур ракета халқаро станцияга сув, озиқ-овқат, ёқилғи ва янги илмий ускуналар етказди.



«Союз» ракета ташувчи билан бирга «Прогресс М-62» юк техникаси ҳам фазога чиқарилди. Мутахассисларнинг фикрича, ракета халқаро станцияга бугун етиб боради.

«Роскосмос» матбуот хизматининг хабар беришича, халқаро фазо станцияси экипажи аъзоларига турли хил янги йил совғалари ҳам юборилди. Совғалар орасида мусиқа ва бадиий фильмлар ёзилган дисклар бор.

Қадимий ёдгорликни ўғирлаб кетишди

Бангладеш пойтахти Дакка шаҳри аэропортида индустриаларнинг маъбудаси Вишну ҳайкали ўғирлаб кетилди. Қадимий ёдгорлик Парижда ўтадиган кўргазмага қўйиш учун Францияга юборилаётган эди. Ҳайкалнинг ғойиб бўлиши муносабати билан 190 га яқин бошқа тарихий бой-




ликларнинг Парижга жўнатилиши ҳам тўхтатилди. Будда ҳайкали Бангладеш давлати муҳофазасига олинган қадимий ёдгорликлардан бири эди. Маҳаллий полиция ўғирликда гумон қилинаётган 11 нафар шахсни қўлга олди.

ХАЛҚАРО ВОКЕАЛАР

GLOBUS

INTERNATIONAL LIFE

Экологик хавфли шаҳарлар



Саноат ривожланиши аҳоли яшаш даражасининг ўсиши омилли саналади. Лекин ишлаб чиқариш корхоналари микдори шиддат билан ошиб бораётган бир пайтда атроф-муҳит тозалиги билан боғлиқ муаммолар ҳам жиддий тус олмақда. Яқинда Блэксмит институти бу борада тадқиқот ўтказди ва сайёрамизнинг экологик жиҳатдан энг хавфли 10 та шаҳрини эълон қилди. Институт мутахассислари атроф-муҳит тозалиги бўйича мазкур шаҳарлардаги аҳвол анчайин хатарли эканига эътибор қаратганлар ва экологик ҳолатни яхшилаш учун қўшимча чора-тадбирлар кўришга чакирганлар.

- 1. Линьфэнь, Хитой**
Хитойнинг кўмир ҳавзаси «юраги»да жойлашган Линьфэнь шаҳри ўнлаб шахталар билан ихоталанган. Атроф-муҳит заҳарли газлар билан шу қадар тўйинганки, агар оппоқ кийимни ювиб, очиқ ҳавога қўйилса, у бир зумда қопқора тусга қиради. Экологик хавфли муҳит туфайли шаҳарнинг 3 миллион аҳолиси турли касалликларга чалинган.
- 2. Тяньцзинь, Хитой**
Шаҳар бутун мамлакат миқёсида ишлаб чиқарилаётган кўрғошиннинг ярмини беради. Бироқ технологиялар сифатининг пастлиги, экологик ҳолат назоратининг сустлиги туфайли давлат газнасига миллионлаб даромад келтираётган соҳа айни пайтда минглаб аҳоли саломатлигига таҳдид солмоқда.
- 3. Сукинда, Ҳиндистон**
Хром моддаси энг зарарли кимёвий унсурлардан саналади.

- 4. Вапи, Ҳиндистон**
Вапи мамлакатнинг йирик саноат тугунида жойлашган. Лекин бу устунлик шаҳар аҳолисига қимматга тушяпти. Нега деганда, ҳудудда, ўта ноқулай шароитда қайта ишланаётган симоб моддаси атроф-муҳит тозалигига жуда катта зарар келтирмоқда.
- 5. Ороя, Перу**
Лотин Америкасида жойлашган ушбу шаҳар аҳолиси ҳам кимё саноати туфайли каттиқ азият чекапти. Орояда қайта ишланаётган кўрғошин, мис, рух каби моддалар атроф-муҳит тозалигига неча ўн йиллардан бери зарар етказиб келаяпти. Шаҳарда истиқомат

- 6. Дзержинск, Россия**
Совуқ уруш давридаги қуроланиш пойгаси Россиянинг кўнлаб шаҳарлари қатори Дзержинскда ҳам машъум изини қолдириб кетган. Таҳлилларга кўра, 1930-1998 йиллар мобайнида шаҳар ҳудудига 300 минг тонна заҳарли моддалар кўмиланган. Ҳудуддаги сув ифлосланиши хавфсизлик даражасидан 17 миллион (!) баробар юқори. Шу боис ҳам, Дзержинск шаҳри Гиннеснинг рекордлар китобида дунёда энг ифлосланган шаҳар сифатида қайд этилган.
- 7. Норильск, Россия**
Норильск шаҳри 1935 йилда сурғун қилинганларнинг меҳнат лагерини сифатида бунёд этилган. Ушндан бери шаҳар Россиянинг металлургия марказларидан бири бўлиб келаяпти. Ҳудудда ишлаётган юзлаб корхоналар ҳар йили ҳавога 4 миллион тонна заҳарли газ чиқаради. Экологик фожиа шу қадар жиддийки, шаҳардан 50 км радиусда жойлашган ерларда ҳам тирик гиеҳ ўсмайди.
- 8. Чернобиль, Украина**
1986 йилнинг 26 апрелида атом станцияси реакторининг портлаши натижасида шаҳар даҳшатли офат исканжасида қолди. Кўринмас хатар — нурланиш оқибатида неча минглаб инсонлар курбон бўлди, яна қанча кишилар давосиз касалликларга ча-

- 9. Сумгаит, Озарбайжон**
Шаҳар собиқ Иттифок даврида нефть ва кимё саноатининг йирик марказларидан бири бўлган. Уша пайтларда ҳавога ҳар йили 120 минг тонна заҳарли моддалар чиқарилган. Гарчи бугун кунда асарият заводлар ёпиб қўйилган бўлса-да, заҳарли моддалар тарқалиши давом этапти.
- 10. Кабве, Замбия**
Кабве шаҳрида 1902 йили дастлабки кўрғошин кони очилган пайтда Замбия Англия давлати мустамлакаси эди. Шу боис ҳам у пайтларда ҳеч ким аҳоли саломатлиги масаласида қайғуриб ўтирмаган, шаҳар ҳудудида кимёвий корхоналарнинг ишлаши ҳаддан зиёд оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида ҳам эсланмаган. Натижада йиллар давомида Кабве шаҳри аҳолиси оғир касалликларга дучор бўлди, ногирон ва ақли заиф болаларнинг дунёга келиши оддий ҳолга айланди.
Бугун ҳам шаҳар ҳавосига тарқалаётган кўрғошин микдорини астрономик ҳисобда аниқлашга тўғри келади. Вазият ҳар қанча таҳлилга бўлмасин, келажакка умид қилса бўлади. Жаҳон банки яқинда Кабве шаҳри экологик ҳолатини яхшилаш учун 40 миллион доллар маблағ ажратган.

Абдул СОБИР тайёрлади

Террорга қарши елкама-елка

Ҳиндистон ва Хитой илк бора ҳамкорликда ҳарбий йиғинларни ўтказмоқда, деб хабар беради «Синьхуа» ахборот агентлиги.

«Hand in Hand 2007» (Елкама-елка) деган ном остида ўтказилаётган антитеррор йиғини Хитойнинг Кунминь шаҳрида ташкил қилинади. Ҳарбий машғулотларда 100 га яқин одам иштирок этади. Хитой ташки ишлар вазирлиги вакилининг маълум қилишича, ҳамкорликда ҳарбий йиғин икки мамлакат қуролли кучлари ўртасида алоқаларни янада мустақкамлаш ҳамда террорга қарши курашни кучайтириш имконини беради.

Ўтган йиллар давомида Ҳиндистон ва Хитой ўртасида бир неча бор ҳарбий зиддиятлар рўй берди. Кузатувчилар мазкур ҳарбий йиғин ушбу ихтилофларни бар-тароф этишга кўмак беришини айтмоқдалар.



Қора олтин эвазига... банан ва шакар

Венесуэла президенти Уго Чавес Марказий Америка давлатларига экспорт қилинаётган нефть ҳақини хизматлар ёки банан ва шакар каби маҳаллий маҳсулотлар билан тўлашни таклиф қилди.



Кубада ўтган нефть экспорт қилувчи давлатлар иттифоқи — Петрокарибе саммитини очар экан, у янги нефть сиёсати ишлаб чиқиш кераклигини таъкидлади. Уго Чавеснинг фикрича, янги тўлов сиёсати учун Венесуэла ва Куба ўртасида амал қилаётган модель яхши намуна бўлиши мумкин. Айни пайтда Венесуэла Кубага ҳар куни 100 минг баррель нефть ет-

казиб беради. Бунинг эвазига кубалик шифокор ва ўқитувчилар Венесуэла фуқароларига хизмат кўрсатишади.

Лотин Америкаси давлатларини бирлаштирган Петрокарибе нефть иттифоқи 2005 йили Венесуэла ташаббуси билан ташкил этилган. Катта «қора олтин» захирасига эга бўлган мамлакат айни пайтда Петрокарибенинг 17 давлатига имтиёзли тартибда нефть етказиб берапти. Мазкур ташкилотга аъзо бўлган давлатлар Венесуэладан олинган нефть учун 25 йил муддат ичида 1 фоизлик устам тўлов орқали ҳақ тўлашлари мумкин.

Кўк чой саратонга даво бўлиши мумкин

Ҳар куни беш-олти пиёла кўк чой истеъмол қилиш простата саратони тарқаланишининг олдини олади. Япон олимлари бир неча йиллик тадқиқотлардан кейин ана шундай хулосага келишди.

Токиода жойлашган миллий саратон институти олимлари ўтган вақт мобайнида 40-69 ёш оралигидаги 50 мингдан зиёд беморни ўрганиб чиқишди. Беморлар кузатуви 11-14 йил давомида олиб борилди.

Изланишлар даврида ҳар куни кўк чой ичадиган беморларда простата саратон хасталигининг тарқалиши икки бараварга қисқаргани кузатилди. Шу билан бирга ушбу шифобахш ичимликнинг беморлар соғлигига салбий таъсир кўрсатгани



қайд этилмаган. Мутахассислар хулосасига кўра, кўк чойнинг саратонга қарши даво экани унинг таркибидоги катехин моддаси билан боғлиқ. Ушбу модда простата саратонини келтириб чиқарувчи тестостерон гармони тарқалишини камайтиради.

Статистика бўйича простата саратони Фарб давлатларига қараганда Осиё мамлакатларида камроқ учраб экан. Мутахассислар бу ҳолатни Шарқ мамлакатларида кўк чой кўпроқ истеъмол қилиниши билан изоҳлашмоқда.

Нигоҳ

линди. Орадан 20 йилдан ошқирок вақт ўтганига қарамай, шаҳар хали ҳам экологик хавфли ҳудуд бўлиб қоляпти.

9. Сумгаит, Озарбайжон
Шаҳар собиқ Иттифок даврида нефть ва кимё саноатининг йирик марказларидан бири бўлган. Уша пайтларда ҳавога ҳар йили 120 минг тонна заҳарли моддалар чиқарилган. Гарчи бугун кунда асарият заводлар ёпиб қўйилган бўлса-да, заҳарли моддалар тарқалиши давом этапти.

10. Кабве, Замбия
Кабве шаҳрида 1902 йили дастлабки кўрғошин кони очилган пайтда Замбия Англия давлати мустамлакаси эди. Шу боис ҳам у пайтларда ҳеч ким аҳоли саломатлиги масаласида қайғуриб ўтирмаган, шаҳар ҳудудида кимёвий корхоналарнинг ишлаши ҳаддан зиёд оғир оқибатларга олиб келиши ҳақида ҳам эсланмаган. Натижада йиллар давомида Кабве шаҳри аҳолиси оғир касалликларга дучор бўлди, ногирон ва ақли заиф болаларнинг дунёга келиши оддий ҳолга айланди.
Бугун ҳам шаҳар ҳавосига тарқалаётган кўрғошин микдорини астрономик ҳисобда аниқлашга тўғри келади. Вазият ҳар қанча таҳлилга бўлмасин, келажакка умид қилса бўлади. Жаҳон банки яқинда Кабве шаҳри экологик ҳолатини яхшилаш учун 40 миллион доллар маблағ ажратган.

Абдул СОБИР тайёрлади

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бошқаларни эса келгусида қўлай касбларга йўналтириш мақсадида "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонун доирасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

2006-2007 йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш Дастури"га мувофиқ яратилган 44425 та янги иш ўринлари уларга маъқул бўлиши, шубҳасиз.

"Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини қўлайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратди. Ҳомийлар маблағи ҳисобидан 3745 нафар кам

саначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш бўйича барча шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурда ишчи комиссиялари тузилди. Тасдиқланган ҳаракат дастурларига мувофиқ йил давомида 7 мингга яқин касаначилик иш ўринлари ташкил этилди. Касаначилар томонидан 1 миллиард 677,8 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб

лаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш турғун пунктлари ташкил этилиб, иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишида аниқ вазифалар амалга оширилмоқда.

Бош бошқарма ҳамда туман, шаҳар меҳнат бўлимлари инспекторлари томонидан касаначилик асосида ҳамда чорвачилик йўналишида ёлғаниб ишлаётганларга Меҳнат кодексига қўзда тутилган

ноғирон ва ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда ҳам маҳалланинг роли муҳим бўлмоқда. Бугунги кунга қадар маҳаллада 3745 нафар кам таъминланган оилаларга 1 миллиард 966 миллион сўмлик қорамоллар бепул берилди.

Диспансер кўригидан ўтган ёлғиз кишилардан 1363 нафари амбулатор ва стационар шароитларида даволанди. Уй-жойлари таъмирталаб бўлган 114 нафар ёлғиз кексаларнинг яшаш жойлари ҳомийлар маблағлари эвазига янгича қиёфа касб этди. Шунингдек, маҳаллий бюджет ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан "Саховат" уйида 103,0 миллион сўмлик, Урганч "Муруват" уйида 115,3 миллион сўмлик, жами 218,3 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Эътиборлиси, юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг фақат даромадларини ошириш эмас, балки уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга ҳам аҳамият берилган. Биргина Ноғиронларни реабилитация қилиш марказида жароҳлиқ блоки ишга туширилгани бунга мисол бўла олади. Таянч ҳаракат тизими бўзилган ноғиронларда жароҳлиқ амалиётлари ҳам шу эрининг ўзиде ўтказилмоқда.

Вилоятда фаолият юритаётган жамоат марказларига 826 нафар ёлғиз кекса пенсияеон ва ноғиронлар жалб этилган бўлиб, марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга учун 17,1 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Шарафиддин Али Зайиднинг ёзишича, Соҳибқирон Амир Темур халқ ишига қўмақлашиш борасида қўллаб-қўллашлар чикарган. Қўлдан кетган савдогар оёққа туриб олиши учун хазинадан маблағ, деҳқончиликка қўриб етмай қолганга зарур уруғ ва асбоблар берилгани қайд қилинган. Бундай элларвар сиебат асирлар оша бизнинг замонамизда янада кучлироқ давом этаётгани қувонарлиқдир.

Фохриддин ФАЗЛИЕВ, Самарқанд вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи.

Тугаётган йилнинг уганмас савоби

чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Натижада касаначилик меҳнати ташкил қилган 265 та корхонада 317,4 миллион сўм маблағ тежаб қолди. Тижорат банклари ва Иш билан таъминлашга қўмақлашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 5738 дан ортиқ оилага 3 миллион 669,2 миллион сўмдан ортиқ миқдорда микрокредитлар ажратилди. Бу уларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишларига муҳим омил бўлди.

Президентимизнинг жорий йилнинг 17 сентябрдаги "Пенсияеонларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижтимоий ҳимояга кўрсатилган эътиборнинг яна бир намунасидир. Шунга биноан 2007 йил 1 октябрдан вилоятда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилардан 67533 нафарининг пенсия ишлари қайта ҳисобланиб, пенсия миқдорлари оширилди. 14508 нафар фуқарога эса янгидан пенсия тайинланди. Қариларнинг турар жойлари таъмирланиб, телефон алоқаси ҳам йўлга қўйилди.

Янгилаётган давр янги ижтимоий муносабатлар тизимининг пайдо бўлишига замин яратмоқда. Сўнгги йилларда жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланмиш маҳалланинг нуфузи янада ошиши бунга мисол бўла олади. Бугун маҳаллалардаги ободлик, меҳр-қўлалатни кўриб ҳавасингиз келадими.

Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, жумладан, кам таъминланган оилалар,



таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга қорамол тарқатилди. Вилоят миқёсида 28,7 мингдан зиёд шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотларни етиштириш билан банд бўлган фуқароларга меҳнат дафтарчаси очилди. Меҳнат дафтарчалари мавжуд бўлган шахсларга эса тегишли қайдлар киритилди.

Шунингдек, жорий йилда янги иш ўринлари яратиш, моддий манфаатдорликни ошириш бўйича ҳам залворли қадамлар қўйилди. Ка-

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг моддий ва ахборот қўмағида тайёрланди. Лойиҳа: "Демократик жамият курилишида аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш ва фуқароларнинг фаоллигини ошириш масалалари".

«Кўнгилочар» эрмак

натижасида юзага келаётган баъзи бир дилхиралиқ ҳақида

Декабрь ойининг сўнгги кунлари. Юртимиздаги бозорлардан бири. Янги йил байрами арафаси эмасми, бозор одамлар билан гавжум. Кимдир кундалик рўзгор харидлари билан банд. Яна кимдир янги йил байрами тараддудида ул-бул сотиб олган. Бошқа бирови эса фарзандлари ва набираларига байрам совғаси излаган. Хуллас, ҳамма ўзи билан ўзи овера. Барчанинг кўнгилида эрта-индин кириб келади янги йил байрами шукӯди. Шу тоб бозоринг аллақайси бурчағида бирин-кетин аштитилган «пақ-пуқ», «тарақа-туруқ» овозидан одамлар бирдан серкак тортилар. Одамларнинг кайфияти бузилди. Азиз муштарий, ҳаммамизга таниш манзара, шундай эмасми...

Пойтахтимиздаги Чилонзор метро бекатидаги бозорчада турли арча ўйинчоқлари, болалар учун ҳар хил ниқоблар, совғалар олди-соттиси кизиқ. Хар замонада у ер, бу ерда «пақ-пуқ» этган овозлар қулоққа чалинади. Беихтиёр юришдан тўхтаб, арча ўйинчоқлари савдоси билан шугулланаётган йигит-қизларга юзланиб, улардан шунчаки «қизиқ» билан пақиллоқ ва мушак бор-йўқлигини сўрайман. Бирови: - Вой, нималар деяптисиз, бизга тинчлик керак, - деса бошқа бирови шеригига маънодор қараб қўяди. Шундан билдимки, уларда айни кунларда аксарият ёш болакайларнинг, ҳатто айрим кичикларга «урнак» бўлаётган катталарнинг ҳам эрмағига айланган «матох»дан топса бўлади. - Қанақасидан керак эди ўзи, она? - дея севкингина сўради қўлини чўнтағига солволиб у ёқдан бу ёққа юриб харидор «овлаётган» йигит. - Қанақаси бор ўзи, - дейман «қизиқ» билан.

Энг зўрлари мана, бизда-да. Фақат пулдан қочмасангиз бўлгани. Истагангиз «Золотой песок»дан олинг, маъза қиласиз. - Нархи қанча, қиммат эмасми, ишқилиб? - Нархи ҳар хил. Неча марта отилиши, неча хил рангда товланиши, овозининг «даҳшат»лигига қараб икки ярим минг сўмдан, юз минг сўмгача бор, - дейди сотувчи бамайлихотир. - Фақат ҳозир ёнимда йўқ кечроқ келинг, истаганингизни танлаб-танлаб оласиз. - Вой, нега энди кечроқ, - дейман ҳайрон бўлиб. - Яна овера бўлмай ҳозир олиб кета қолсам-чи? - Йўқ, бўлмайди. Ундай нарсаларни кечки томон то соат саккизларгача сотамиз. Бизга ҳам осон эмас, ҳозир биронтаси кўриб қолса, «кува-

БОЙСУН ИҚТИСОДИЁТ-ҚУРИЛИШ КОЛЛЕЖИ

МАЪМУРИЯТИ ҲАМДА ЖАМОАСИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ АҲЛИНИ ЯНГИ 2008 ЙИЛ

БИЛАН МУБОРАҚБОД ЭТАДИ.

ЯНГИ ЙИЛ ЯХШИЛИК, БАРАКА ВА ОМАД КЕЛТИРСИН!

Огоҳлик

этиб, шундан 1300 нафари стационарга ётқизилади, - дейди республика Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш илмий маркази кўйганлар бўлими раҳбари, Соғлиқни сақлаш вазирлиғи бош мухтасисси Абдулазиз Фаязов. - Шулардан деярли 60 фоизини болалар ташкил этади. Улар асосан дам олиш кунлари, мактабдан бўш пайтларда ота-оналарининг назоратидан четда қолган вақтларда куйиш жароҳатини олишаётди. Айниқса, кейинги 1,5-3 ой аввал пиротехника воситалари "портлаши"дан ўткир куйиш жароҳатини олган икки нафар 16-14 ёшдаги ўсмир йигитнинг ахволи аянчли эди. Уларнинг асосан қўлларининг кафт қисми, панжалари ва кўзлари ўпирилиш да- ражасида куйиб зарарланган.

Айтиш керакки, мана шундай куйиш ҳолатига тушганларнинг нафақат тана аъзоларида, балки уларнинг руҳиятида ҳам салбий ўзгаришлар юзага келади. Улар ўзларининг ноҳўя хатти-ҳаракати оқибатида ўта инки, ҳатто ён-веридагиларга нисбатан нафрат ҳисси билан қараш ҳолатига тушиб, ўзларини тўлақонли ижтимоий ҳаётдан четга торта бошлайдилар.

Кўриниб турибдики, турли пиротехника воситаларидан фойдаланиш кишига ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказиши. Энг ёмон жиҳати, ундан аввало теварак-атрофдагилар азият чекмоқда. Кимнингдир юраги безовта уриб, ҳуши оқса, яна кимнингдир ҳали туғулмаган боласининг но-буд бўлишига олиб келмоқда. Ахир, ўзгалар тинчлигини бузиб, соғлиғига путур етказиш қандай эрмак бўлди. Бу ачинарли ҳолатларнинг юз беришида биз катталарнинг ҳам айбимиз бор. Фарзандларимизни доимий назорат этиб, уларга «тарақа-туруқ» воситаларни ўзимиз ўзгарди қилиб олиб келиб бермай, аксинча унинг ўта оғир оғибатларга олиб келишини ҳар доим ўқтириб борсақ, ўйлайманки, юқоридаги сингари ҳолатларнинг олди олинади. Қолаверса, пайтдан фойдаланиб мўмай даромад топиш илинжида ана шундай пиротехника воситалари билан савдо қилувчилар ҳам ўйлаб, виждонан иш тутсалар айни муддао бўлар эди.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА, "Хуррият" мухбири.

Мақсуд Шайхзода таваллудининг 100 йиллиги олдидан

«Ёмонликлар ўтқинидир, яхшилик - галиб»

буюк адибнинг ҳаётий ақидаси ана шундай эди

Мақсуд Шайхзода ҳақида гап кетганда тўлиб-тошиб гапиргим, завқ-шавқ билан ёзгим келади. Чунки у киши берган зиё гузал инсоний қиёфа хотирамда бутун борлиғи билан намён бўлади. Димла хали илк бор учраганимизда хали ўқувчи эдик. У киши адабиётнинг жамият ҳаётидаги улугвор ўрни, бадий юксак асарининг халқ ҳаётига таъсири хусусида шундай ажойиб гапларни айтиб бердики, улар ҳануз қўл-гимда жаранглаб турибди.

Кейин ўзининг ширали овози билан шеърларидан ўқиб берди. Устознинг билми доираси кенглиги, мушоҳадасининг фалсафий чуқурлиги, лирикасининг бадий қуввати, айниқса, инсонийлиги ва камтарлиги қалбимни ўзига мафтун этди. Шу муҳаббат боис Тошкент давлат университетининг филология факультетига ўқишга борган бўлсам ажаб эмас.

Кейинчалик ҳам устознинг этагидан тутдик. Битирув дипломи ишимга ҳам Мақсуд Шайхзода раҳбарлик қилганди. Диплом мавзуси «Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси гоёвий-бадий хусусиятлари» эди. Домланинг бу ишимга бош-қош бўлиши ҳам тасодифий ҳол эмасди. Чунки у киши драмани ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан жуда яхши билардилар.

Шу иш муносабати билан раҳбаримнинг гоят мارد ва олижаноблиғига шоди бўлганман. Гап шундаки, Шайхзода билан Уйғуннинг ҳам, Иззат Султоннинг ҳам муносабатлари кўнгилдагидек эмас экан. Менга кейинчалик маълум бўлишича, Иззат Султон катта бир йиғинда домланининг асарини қаттиқ танқид қилган, Уйғун билан ҳам домлам ўртасида жиддий баҳслар бўлиб тураркан. Мен эса, диплом ишимда «Алишер Навоий» пьесасини, унинг муаллифларини юқори даражага кўтариб, ўта ижобий баҳо берганман. Шундай бўлишига қарама-дан раҳбарим ишимни таҳлил қилиш жараёнида драма муаллифларига тариқча ҳам салбий муносабат билдирмади. Аслида илмий иш раҳбарлари ўзларининг шогирдлари орқали ҳам кўнгилига рағи ўтирмаган ҳамкасбларидан ўч олишга, уни бадном қилишга уринардилар. У пайтлар замон бошқача, қаттол бир даврлар эди. Эртага нима бўлишини биров билмасди. Шу боис, улуг шоир Мақсуд Шайхзода ҳам ҳеч нарсадан ҳеч нарсаси йўқ қамалиб қолди. Энг ёмони бунга арқон эшиб берганлар у кишининг ўз ҳамкасблари эди. Улар чумолини филдали қилиб кўрсатмаганлариде, фарзғўйига тошларини отмаганлариде, бўхтон ўйига тутмаганлариде Шайхзода-дай арбоб бундай кўнгилисиз ҳолга тушмасди, деб ўйлайман.

Таажублиси яна шундаки, М. Шайхзода тўла оқланиб чиққанидан кейин ҳам, унга шубҳа билан қараш, асарларини босиб чиқармасликка уриниш, «айбдор» деб муносабатда бўлиш давом этди. Бунинг оқибатида улуг шоир қаттиқ изтироблар чекканди. Шундай пайтда «Тошкент ҳақиқати» газетасининг ўша вақтдаги бош муҳаррири Зиёв Есенбоев М. Шайхзоданинг шеърини босиб чиқариб, дадиллик кўрсатган, устозни яна ижодга илҳомлангирган эди.

Мақсуд Шайхзода қалбдан атрофдагиларга, ҳамкасбларига, ёш истеъдодларга меҳрибон, саховатпеша инсон эди. У ҳар бир қобилиятли кишини кўз қорачиғидаги ҳимоя қилиб, муруват кўрсатарди. Қатагон руҳи ҳали кезиб юрган-да мардларча Усмон Носирни ҳимоя

қилиб, уни ёқлаб чиқди. Бу эса гамжўрликнинг, санъаткорнинг қадрига етишининг ёрқин намунаси эди.

Мақсуд Шайхзода шу каби кўп ҳамкасбларининг бошини силади. Айримлар эса аксинча яхшиликка ёмонлик деганларидек, адибнинг бошига бало ёғдирди, у кишига хиёнат қилди. Тирноқ орасидан кир қидириб, устозга ҳеч тинчлик беришмади. Ҳатто «Жалолиддин»дек баркамол саҳна асарига ҳам ҳужумлар бўлганди. Аммо у «Ёмонликлар ўтқинидир, яхшилик галиб» деган ҳаётий ақидасига амал қилган тарзда яшади ва курашди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида М. Шайхзоданинг «Жалолиддин» трагедияси асосида тайёрланган спектакль катта муваффақият қозонди. Бу спектаклда санъатимизнинг Шукур Бурхонов (Жалолиддин), Аббор Ҳидоятлов (Темур Малик), Сора Эшонтураева (Султонбегим), Обид Жалилов (Хоразмшоҳ), Олим Ҳўжаев (Бадриддин), Амин Турдиев (Чингизхон) каби буюк актёрлари иштирок этди. Энг муҳим томони шундаки, «Жалолиддин» асари юксак дидли санъаткорларнинг талабларига жавоб берган, уларга мос ва хос мазмунда яратилганди. Шу сабабдан ҳам ҳар бир актёр ўз ролини завқ-шавқ билан, улкан илҳом билан ижро этган. Шунингдек, бу асар ҳар бир ўқувчида Ватанга чексиз муҳаббатни, босқинчиларга нафрат туйғуларини уйғотиши билан ҳам аҳамиятли эди.

Шундай қувончли дамларда, «марказ»дан совуқ топириқ олинди, асарнинг саҳнадаги ҳаётига чек қўйилди. Гуё Жалолиддин Кавказ халқларини қирган эмиш. Жаллод босқинчини саҳнада қахрамон қилиб кўрсатмаслик лозим эмиш. У киши эса бунга муносабат билдирар экан: «Бир халқни иккинчи халққа қарши қўймаслик керак, битта саркарданнинг ўз халқига қилган хизматларини бошқа давлат қарчи билан ўлчамаслик даркор. Хар бир халқ намояндасининг қилмишларини ўз халқининг манфаатларидан келиб чиқиб таърифлаш ва баҳолаш лозим. Мана, рус саркардаси Суворов ҳам Туркияга гоят катта талафот етказган. Суворовнинг тарихдаги роли Туркиядагиларнинг қарашлари билан эмас, балки Ватанига қилган хизматлари билан ўлчанади-ку! Шу сабабдан, Суворовни ҳеч ким ёмон отликка чиқаргани йўқ-ку! Шундай бўлган ўз Ватанини, халқини мўғуллардан ҳимоя қилган Жалолиддинга нима учун кавказликларнинг берган баҳосидан келиб чиқиб қарашимиз керак?». Алломанинг бу фикрларини ҳозир ўйласак, у қанчалик ҳаққоний, чуқур билимдонлик билан адалотли, ҳолисона сўзлашганлигига амин бўламиз.

М. Шайхзода тарихга, замонга, айниқса, келажакка тўғри қарай оқланишига қойил қолсан, киши. У кишининг ҳақ эканлигини бугун мустақиллик йиллари намён этди. Адибнинг ўлмас асарлари, дилга ҳажжон солгувчи шеърлари, драмалари қадрини топи. Айниқса, Президентимизнинг Жалолиддин Мангубердиннинг 800 йиллигини кенг нишонлаш ҳақидаги қарори М. Шайхзода фикрлари нақадар адалотли эканлигини яна бир бор исботлади. Бу қарорда халқимизнинг буюк фарзандларининг улуглигини, унинг Ватан йўлидаги жасоратлари гуё Шайхзоданинг оруз-истакларининг ифодаси янглиғ янгради.

Хафиз АБДУСАМАТОВ

Сабот ва заковат



Ҳозирги кунда ижтимоий фанлар вакилларидан ёзган асарини китобининг амалиётда нима фойдаси бор, халққа қандай нафи тегади, деб сўрашади. Узоққа мўлжалланган маънавияту маърифат, диду интеллект тарбияси ҳақида гапирсангиз, бу чўпчагини совет даврида айтгансан, ҳозир замон мутлақо бошқа, рашионал натижа ҳақида гапир, дейишади. Бундай нигилист талаб-горларнинг давросига амалий жавоб қилиш гуманитар туғул, табиий фанлар олимлари учун ҳам ачинадиган мушкул вазиятни вужудга келтиради. Мана шу дағал истакка жавобан ижтимоий, хусусан, филологик фан олимлари илмий захирасини элақдан ўтказсанг, бундай қатъий талабга жавоб берадиган илмий бисотта эга бўлган олимлар борлигидан қувонасан, киши. Узоқ кузатишлардан кейин ўзбекининг шундай адабиётшунос олимларидан бири

Дил сўзи

риб, жадид адабиёти, қатагонлик даври адабиёти, ҳур фикрлик - истиқлол олди адабиёти, ниҳоят, мустақиллик йилларига келиб, 90-йиллардан Истиқлол адабиёти босқинларини тўғри деб топдилар.

Миллатпарвар олим кўп йиллар давомида қатагон қилинган ўзбек зиёлилари, атоқли адиблар ҳаёти ва ижодини тадқиқ қила бориб, ўзбек зиёлиларининг қатлгоҳларини аниқлашда ҳам бошқа зиёлилар қатори хисса қўшди. Юртбошимизнинг катта саъй-ҳаракатлари билан пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Бўзус бўйида Қатагон қурбонлари зиёратгоҳи майдонини ва мажмуаси барпо этилди.

Адабиётшунос олим қадимги зиёлиларимиз аъаналарини давом эттира бориб, чорак аср давомида таъкиранавислик билан машғул бўлди. Натижада, унинг бугунги кунгача 5 бора тўлдириб нашр этилган «Ўзбек адиблари» таъкираси яратилди. Бу китоб бугунги кунда Ўзбекистонимиз таълим тизимида - мактаб, лицей, коллеж, институт, университетлар учун қўлланма ҳисобланади.

Донишмандлик ёшини қаршилаётган заҳматқаш олимимизга илм ва фан йўлида сабот ва заковат, энг муҳими, сийхат-саломатлик тилаб, шогирдларидан бири, Маҳмуд САТТОРОВ

Бугунги ёшлар

Спорт жисмоний ва маънавий етуқликнинг асоси бўлибгина қолмай, буюк келажакка қўйилак қадам ҳамдир. Шу боис мамлакатимиз аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Натижада юртимизнинг энг чека қишлоқларида ҳам замонавий спорт иншоотлари қад ростлаяпти. Бу эса юртимиз вакилларининг халқаро мусобақалардаги муваффақиятини таъминлайтир.

Товланарлар бамисоли камалак...

ёки Косон тумани Гувалак қишлоғидаги гимнастика мактаби қизлари ҳақида

Хусусан, миллат генофондини мустаҳкамлаш мақсадида спортнинг нафис турларига ўсмир ёшларида қизлар ҳам кенг жалб этиляпти. Шаҳар худудида қизларнинг спорт тўғрисида қатнашиши ва оммавий спорт тадбирларида иштирок этиши, соғлом турмуш тарзига интилиши оддий ҳол. Аммо қишлоқда-чи?

Республикамиз Президентининг 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон бола-лар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан тузилган режага кўра Қашқадарё вилоятининг Косон туманига қарашли Гувалак қишлоғи ёшлари учун мўлжалланган спорт комплексининг ҳам қуриш лойиҳаси киритилган. 2005 йилда 250 ўринга мўлжалланган барча спорт жозлари ва бадий гимнастика анжуманлари билан тўлиқ таъминланган замонавий спорт мажмуаси ёшлар ихтиёрига топширилди.

Таомилга кўра, қишлоқ жойларида бўй етиб келатган қизларнинг спорт машғулотлари айниқса, гимнастика соҳаси бўйича қатнашиши биров ноқулайроқ саналган. Ҳўш, энди бу мажмуага қишлоқ қизларини қандай жалб этиши мумкин? 2005 йилнинг июль ойида бадий гимнастика залида бор-йўғи 2 нафаргина қизалоқ билан иш бошлаган спорт мураббийи Сабоҳат Адилова қишлоқ урф-одатларини четлаб ўтмади. Одатда гимнастика формаси бир хил бичимда тикилди. Бироқ, бу энгил либосни қишлоқдагиларга ёқмаслигини ҳисобга олиб, Сабоҳат ўз қизларига атласнуса матодан махсус либос тиктиришни йўлга қўйди. Натижада қиска вақтда қизларнинг сони 80 нафарга етган бўлса, йил охирига келиб 250 қиз бадий гимнастика машғулотига қатнаш бошлади. Спортнинг бу тури билан шуғулланадиган қизларда қоматнинг чиройли шаклланиши, фикрий тезликнинг ўсиши, бўқоқ, ангина каби касалликлар-



нинг бутунлай барҳам топиши қишлоқнинг ёшу қаи, барча аёлларини қизқитиб қолди. Айниқса, баҳор ва ёзнинг салқин оқшоқларида кекса онахонлар ҳам гимнастикани набираларининг нафис ҳаракатлари завқ билан кузатиб турадиган бўлишди. Бу мактабнинг спортчи қизлари спортда муносиб кўрсаткичларга эришаётганини айтсақ арзийди. Масаан, 2006 йилда Сабоҳат ва унинг 2 нафар гимнастикачи қизлари Германиянинг Ёльн шаҳрида бўлиб ўтган халқаро гага турнирида муваффақиятли иштирок этишди.

Миллий либосдаги спортчи қизларнинг кўрғазмали қишлоқлари ва бекиёс гўзал ҳаракатлари халқаро турнирда шов-шув бўлиб кетди. Бу гувалаклик нафосатли қизларнинг илк муваффақияти эди. Олдинда эса, ҳали кўп тайёргарликлар ва синовлар бор. Бадий гимнастика мураббийи Сабоҳат Адиловага юқорида айтганимиздек дастлаб иш осон кечмади. Ота-оналарнинг қаршиликлари, турли муаммолар... Бугун эса бадий гимнастика гувалакликларнинг гурӯҳига айланган. Зефо, шоир айтганидек:

**Момоларим масканисан Гувалак,
Тупроғингда қолган эди изларим.
Товланасан бамисоли камалак,
Сиз элимнинг эди суюқли қизлари.**

Дилфуза АВАЗОВА,
"Хуррият" муҳбири.

Ҳаёт ва ижод сабоғи

Ёшлик — умрнинг бебаҳо фасли. Лекин бу ҳақиқатни инсон кеч англаб етаркан. Яшириб нима қиламиз, биз ёш эканлигимизда ёшлик бамисоли гўрлик, камчилик каби баҳоланарди. Мана, истиқлол шарофати билан юртимизда инсон имкониятлари кенг намоён бўлиши тўғрисида ёшлик фазилятга айланмоқда.

Ёшларга эътибор, ёшларга ишонч давримизнинг ўзига хос жиҳатларини ифодалаб турибди. Дарҳақиқат, ёшлик — гўзаллик, куч-қудрат, бунёдкорлик рамзи. Агар шу хислатлар ёнига ҳаётий тажриба ҳам қўшилса, қомиллик сари катта қадам қўйилган бўлинарди.


Ҳўш, ҳаётий тажриба қандай орттирилади? Бизнингча, бунинг икки хил шакли мавжуд. Биринчиси, иш фаолиятининг ва умрининг мобайнида бошингиздан кечирган воқеалар асосида. Кейингиси — бунинг учун албатта кексалик фаслини кутиш шарт эмас — ўзингиздан кўра кўпроқ қўйлақ йиртган инсонлар тажрибасидан сабоқ олиш. Шу жиҳатдан қараганда, журналистик ҳаётининг бусағасида турган, қолаверса, нисбатан ёш пайтдан жамоаларга раҳбарлик қилиш насиб этаётган ҳамкасбларимизга "Эл-юрт хурмати" ордени нишондори, саксон ёшнинг тепасида "Олтин қалам" халқаро Миллий муқофотининг совриндори Мақсуд Қориевнинг "Уларни унутиб бўладими..." китобини (Тошкент - 2007 йил, "Лаззат-плюс" таҳририяти) ўқиб чиқишни тавсия қилган бўлардим.

Бу асарда олтинчи йиллик ижодий фаолиятини ортда қолдирган, узоқ йиллик республиканинг биринчи рақамли газетасига раҳбарлик қилган мўтабаб инсоннинг дилида асраб келган дурдона сўзлари бамисоли маржон каби тизиб чиқилган. Албатта, Мақсуд Қориев имзоси кўплаб романлар, киссалар, ҳикоялар орқали адабиёт муҳлисига азиздан таниш. Лекин муаллиф бу китобни бадий тўқимасига асосланмасдан ўзи билан ҳамнафас бўлган, айни пайтда миллатимиз фахрига айланган, эл назарига тушган азиз ва муқаррам инсонлар ҳаётини ҳикоя қилиш орқали оламга келтирган.

Баъзан кўнглимиздан шундай фикр ўтарди: қани энди, Мақсуд ака даражасидаги устозлар иложи борича ҳаётий тажрибасини биз билан кўпроқ баҳам кўрсая, бундан барчамиз баҳраманд бўлсак. Мазкур китоб худди ана шу маънавий эҳтиёжimizни қондиради, эзгуликка интилган қалбларга малҳам каби сингади. Таъбир жоиз бўлса, ушбу китоб ижодий маҳорат муҳлислари учун чинакам ҳазина.

Мақсуд ака асар сўзбошида шундай дейди: "Ростини айтсам, ушбу эсдаликларимнинг кўп қисми фақат менгагина маълум бўлган воқеалардир". Ҳўш, неча-неча йиллар мобайнида ёзувчи қалбининг туб-тубида яшириниб ётган, ниҳоят ошоралик мулқига айланган кўп-кўп нимага эришган экан? Ана шу қизиқли китобнинг ҳар бир саҳифасида сизни тарқ этмайди ва мутлоа жараёнида бу гапга чин дилдан ишонасиз. Айтайлик, ўзбек фанида мактаб яратган аллома Қоти Ниёзийнинг Мақсуд ака учун битган биргина дастхати неча-неча асарларга илҳом бериши завқин-

гизни уйғотди. Мустабид даврида бекиёс кашфиёти учун раҳмат ўрнига сиқувга олинган, истиқлол шарофати ва Президентимизнинг адолатли сиёсати тўғрисида "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган Ҳабиб Абдуллаев ҳаётининг мубҳам жиҳатлари Мақсуд ака нигоҳи орқали ойдинлашган. Ўзбекистон Фанлар академиясига етакчилик қилган яна бир аллома Обид Содиковнинг космосдаги ерининг тортиш қучидан халос бўлган шароитда соф моддалар яратишдаги илмий ишлари учун олган махфий муқофоти хусусида ёзувчи эсдаликларини ҳикоя қилади. Еки бўлмаса қаш-



Мақсуд Қориев
**УЛАРНИ
УНУТИБ
БЎЛАДИМИ**

Хаммамиз Фафур Фуломнинг "Менинг ўғригина"

рашиб турасизлар. Ахир, масаланинг моҳиятини билмасдан туриб бирор нарса ёзиш қийин-ку!" Инсон ҳаётда турли ҳолатларга тушади. Янги йил оқшомида Мақсуд ака қўшниси билан нариги дунёнинг лабидан қайтиб келганини эшитганимиз? Йўқ дейсизми? У ҳолда ёзувчининг академик Тўхтамурадов Жўраев ҳақидаги детектив лавҳаларини ўқинг.

Хаммамиз Фафур Фуломнинг "Менинг ўғригина" ҳикоясини яхши биламиз. Лекин бу мумтоз асар айнан Мақсуд Қориев раҳбар бўлган таҳририятда нашр қилинганга айтиб туриб вужудга келганини кўпларимиз билмаймиз. Уша лавҳаларда Фафур Фуломнинг халқ орасидаги доғруғи айнан газета саҳифаларидаги оташин чиқишлар орқали таралганига ишонамиз. Муаллиф биттиклари орқали Ойбек, Мақсуд Шайх-зода, Комил Яшин, Зулфия, Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Уктам Усмонов ҳаёти ва ижодининг кашф этилган қирраларидан воқиф бўламиз.

Мустақиллик йилларида ижоди янада гуллаган, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмадининг замона ҳамнафас мақолаларини кўчилигимиз ўқиганимиз. Лекин улкан адибнинг Оқсарой қароргоҳида Президентимиз қўлларидан муқофот олаётган кўни сўзлаган нутқини эшитганимизми? Худди ана шу нутқ ушбу китобда илк бор эълон қилинмоқда. Мазкур лавҳаларда халқ меҳри билан яшаган ёзувчининг маҳорат мактабидан баҳраманд бўласиз.

Ижодкор учун ҳаётдаги ҳар бир тафсилот муайян мақсадга бўйсундирилган. Баъзилар учун шунчаки идоровий хўжжат саналган қоғоз ҳам Мақсуд ака нигоҳида беихтиёр жонлиб кетади. Мақсуд ака бундан қайриб қирқ йиллар муқаддам Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиш учун шоир Миртемирдан тавсиянома олади. Агар шу тавсиянома билан танишсангиз на-

Табаррук инсонлар ҳақидаги самимий сатрларни ўқир эканмиз, кўнглимиздан шундай фикр ўтади: нега шу одамлар ҳаёт эканлигида кўпроқ улар билан ҳамнафас, ҳам-суҳбат бўлмадик. Бу армоннинг бир таскини бор, ана уша зотлар билан кадрдон бўлган Мақсуд Қориевнинг гуруннини тинглаш, ушбу китобини мутлоа қилиш. Асар муаллифи ҳам ўз қаҳрамонлари каби элу юртва хизмат қилиш борасида ибрат бўлган мўтабаб инсондир. Шундай замондошларимиз дийдорига тўғйлик, зеро, ҳеч кимни бу дунёга бойлаб берган эмас.

Китобнинг навбатдаги қисми Мақсуд Қориев ҳақида замондошлари ёзган мақолалари, якуний қисми - "Элга айтар сўзларим" сарлавҳаси остида ёзувчининг ҳаёт дафтаридан биттиклардан иборат. Улардан айримларини газетхонлар эътиборига ҳавола қилиб, ушбу китоб журналистик кадрлар тайёрлашда муҳим қўлланма бўлишини тасвирлаймиз.

Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

1920 йилда Толстойлар оиласи Россияни тарқ этиб, Англияда қўни топди. Бу ерда уларга мусофир деб эмас, аристократлар сулоласи сифатида қарашди. Буюк адиб Лев Николаевичнинг обрў-эътибори маънавий ва моддий мероси авлодларга мададкор бўлди.

Бу пайтда етти ёш бўлган Дмитрий Толстойнинг фарзандлари Англияда дунёга келишди. Набиралари эса бутунлай инглизча тарбия топди. Фақатгина графиня Александра бундай таомилдан қониқмас, қалбан доим Шарққа талпинарди.

Александра университетни битиргач, Лондон биржасида ишлаш бошлади. Соат еттидаёқ бошланадиган акция савдосига улгурши учун ҳар куни бешда уйғонди. Шаҳарнинг узоқ ва тикилмиш йўлларида қатнади. Лекин орадан тўққиз ой вақт ўтди ҳамки, бу ишдан ҳеч бир маъно топмади.

Бир куни Софи исмли курсдош дугонаси унга Буюк ипак йўли бўйлаб саёҳат қилиш орузи борлигини айтиб қолди. Александра эса бу зерикари ҳаётини ўзгартиришнинг ақойиб йўли эканлигини шу захотийк ҳис қилди ва барча ишларини йиғиштириб, уни амалга оширишга киришди.

Тез орада бу ғоя қутилганидан-да яхшироқ лойиҳага айланди. Аввалига Александра ва Софининг сафига яна икки дугонаси қўшилди. Энг муҳими, Британия қироллигининг жүғрофий жа-

Толстойнинг тошкентлик куёви

мияти ушбу лойиҳага ҳомийлик қилишга рози бўлди. Режага кўра, ноэкоийлик қизлар Туркменистон, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой бўйлаб ўтадиган саккиз миң километр йўлни босиб ўтишлари керак эди. 1999 йили улар Ашхободга учиб келишди. Александра эса бу чанги йўллар уни қайларга елтаётганини ҳаёлига ҳам қалтирмади.

Учрашув

Маълумки, Буюк ипак йўли чўлу биёбонлар, тоғу ошлар оралаб ўтади. Шу боис қиларга бу йўлларни яхши билувчи хамроҳ зарур эди. Бундай йўлни саёҳатга эса ҳамма ҳам рози бўлмасди. Лекин Тошкент отчопарида ишловчи Шамил Ўлим-язнов ушбу тақлифни эшитганда узоқ ўйланиб ўтирмади. Унчот спортчи бўйича спорт ўтаси эканлиги сайёҳларга янада маънавий қўл тушди. Аввалига қизларбарча киборларга хос тарзда Шамилга унча эътибор беришди. Қолаверса, у инглизчада бир оғиз ҳам сўз билмасди. Турт издан фақат Александранига Исчадан хабардор эди. Шу сабабли у Шамил билан уч қаба кўпроқ гаплашишга тўғри келди. Бу ўзбекистонлик йигитнинг самимийлиги ва уйдабуронлиги ҳам, табиийки, биринчи бўлиб у пайкади. Александра саёҳат а-

сандранинг соғайиши учун ўз меҳрибончилигини ямади. Негаки, у Александрани биринчи кўргангадەқ қалбида ажиб ҳарорат сезганди. Лекин қизнинг унга бўлган муносабати қоронғу эди. Шу боис Шамил уни синашга қарор қилди. Нарсаларини йиғиштирган бўлиб, тезда Тошкентга қайтиши лозимлигини айтди. Александра эса ҳеч настра демасдан йўлга юборди. Шу тариқа уларнинг севги крассиси бошланди.


Синов

Икки ой ўтиб, улар барибир айрилди. Визаси йўқлиги тўғрисида Шамилни Хитой чегарасидан ўтказишмади. Александра эса ўзи бошлаган экспедициясига шу ерда нуқта қўймоқчи бўлди. У ўзбекистонлик йигитдан бу ўзбекистондан айрилгиси йўқ эди. Лекин уни дугоналари кўлларидан судраганича нариги томонга олиб кетишди.

Хитой худудида саёҳат яна беш ой давом этди. Бу вақтдан бери Шамил билан оғир бўлди. Унинг ақли эса "Шамил сендан ўш ёш катта, сизлар бошқа-бошқа дунёсизлар. У Лондонда, сен Тошкентда яшолмайсан", — дея тақорларди.

Шу боис Александра уйга қайтиб, Шамилга хат ёзди: «Кечир. Бизнинг қўлажамиз йўқ». Кўп ўтмай жаваб олди. «Майли. Вақт кўрсатади».

Александра Англияда «Ипак йўлининг сўнги ирлари» номили китоб чоп этди. Қўлажамлар билан ишлаш жараёнида унинг биттиб улгурмаган яқини безовта бўлди. Ва у Шамил билан су-



бир марта учрашмаса, ўзини бир умр кечиролмаслигини тушуниб етди.

Висол

Шундай қилиб, Александра Сибирь ва Мўғулистон бўйлаб ўтадиган навбатдаги саёҳат режасини тузди. Олти ой давом этган бу экспедицияга ҳам Шамил йўлбошчилик қилди.

Бу гапга саёҳат ҳам ниҳоялаб, отлар дугури Мўғулистон чўллари етганда, Александра Шамилни севиб қолганига тўла ишонч ҳосил қилди.

Тез орада оилавий танишув маросими уюштирилди. Тошкентга Александранинг ота-онаси, она-сингиллари тоғу ва холаларидан иборат катта «делегация» таширф буюрди. Эртаси кечки овқат устида икки оила гувоҳлигида Шамил Александранинг қўлини сўради. Келин бўлишининг отаси машҳур тарихчи олим Николай Толстой салобат билан ўрнидан турди. Ва тўғри розилик билдирди.

Ниҳоят, 2003 йили икки ёшнинг муҳаббат синовлари ижобий якунланди. Толстойлар су-

Такдир

лоласининг Оксфордширдаги боғида тантанали никоҳ маросими бўлиб ўтди. Энг қизиғи, ушбу бирлашув яна янги саёҳатларга йўл очди. Ҳозирги кунгача бу икки ёш 17 миң километрлик ортқ масофани елкама-елка босиб ўтишди. Эндиликда Александра бобокалони Лев Толстойнинг ҳарбий хизмат давомида босиб ўтган йўллари бўйлаб саёҳат қилишни режалаштириб турибди.

... Бу икки ёшнинг ҳаёт йўлига назар ташлар экансиз, тақдирнинг мўъжизакорлигига иймон келтирасиз. Йўқса, икки Европада таваллуд толган қибор бир хоним билан Тошкент кўчаларида от етаклаб юрган йигитнинг турмуш қуришига қим ишонч қандай дейсиз? Эҳтимол, Александра ўша саёҳатга умуман чикмаслиги ҳам мумкин эди. Ахир шусиз ҳам унинг бир аёл оруз қиладиган ҳамма нарчаси бор эди: гўзаллик, бойлик, машҳурлик. Шамилда эса аксинча: булардан ҳеч бири йўқ эди. Аммо севги деб аталмиш куч ҳеч қандай чегарага номунособилликни тан олмади.

Хуллас, Александра Толстой ортидан соядек эргашиб юрган бойвачча-ю шаҳзодаларни ташлаб, оддий отбоқарга турмушга чиқди. Шамил эса ёши қирққа яқинлашганда таомилла янги ҳаётга қадам қўйди. Энг қизиғи, агар у ёшлигидаёқ машҳур инглиз аёлига уйланишни орзу қилганида ҳеч қачон отбоқарлик касбини танламаган бўлармикан...


Хориж матбуоти материаллари асосида
Анвар САМАДОВ тайёрлади.

Ажаб воқеалар


"Бечора" аёл

Польша Европадаги энг католик мамлакат эканлиги, бу ерда никоҳ жуда юксак қадрланганига қарамай, кейинги пайтда ажралишлар сони кескин ошгани кузатилмоқда.

Новая Соль шаҳрида яшовчи қирқ яшар аёл ижтимоий таъминот марказига нафақа сураб мурожаат этади: эри уч нафар фарзанди билан ёлғиз ўзини ташлаб кетганини, аммо ундан ҳеч қандай ёрдам олмаётганига ишонтирди. Унинг мурожаати қондрилиб, ойига 200 доллар нафақа тайинланди. Бироқ аёлнинг зукко қўшниси "ишни бузиб" қўйишди - "бечора" аёлнинг эри унга мунтазам келиб тургани, ҳатто кечалари тунаб қолаётганини хабар қилишди. Ижтимоий таъминот маркази бу хабардан фойдаланиб, соёқ эр-хотини биргаликда қўлга туширишди. Аёл алдов йўли билан олиб келган нафақани қайтаришдан бош тортган, ҳўқуқ идоралари иш очиб, уни судга оширади. Суд қарорига кўра, айбдор қарзини фойзалар билан тўлашга мажбур бўлган.



Кашанданин "Янги йил арчаси"



Александра билан Софи

